

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ЗАҲИРИДДИН МУҲАММАД БОБУР НОМИДАГИ
АНДИЖОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

НОДИРОВ САРДОР

**ФУҚАРОЛАРНИ ЎЗИНИ ЎЗИ БОШҚАРИШ ОРГАНЛАРИНИНГ
ТУЗИЛИШ ТАРТИБИ ВА ВАКОЛАТЛАРИ**

**5141500 Миллий ғоя, маънавият асослари ва
ҳуқуқ таълими йўналиши**

**бакалавр даражасини олиш учун ёзилган
битирув малакавий иши**

Иш раҳбари: ю.ф.н.доцент Т.Т.Мадумаров

Андижон – 2014

К И Р И Ш.....

**I-БОБ. ФУҚАРОЛАРНИ ЎЗИНИ ЎЗИ БОШҚАРИШ ОРГАНЛАРИНИНГ
ҲУҚУҚИЙ МАҚОМИ.....**

I.1 Фуқароларни ўзини ўзи бошқариш органларининг фаолиятининг ҳуқуқий
асослари.....

I.2 Фуқароларни ўзини ўзи бошқариш органларининг
ваколатлари.....

**II-БОБ. ФУҚАРОЛАРНИ ЎЗИНИ ЎЗИ БОШҚАРИШ ОРГАНЛАРИНИНГ
ЎЗБЕКИСТОНДА АДОЛАТЛИ ФУАРОЛИК ЖАМИЯТИНИ
ШАКЛЛАНТИРИШДАГИ РОЛИ.....**

II.1 Фуқароларни ўзини ўзи бошқариш органларининг адолатли фуқаролик жамиятини
шакллантиришдаги ролини ошириш.....

II.2 Фуқароларни ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини давлат томонидан
қўллаб–қувватлаш ва уларнинг ваколатларини кенгайтириш.....

II.3 Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайловининг
ҳуқуқий асослари.....

II.4 Фуқароларни ўзини ўзи бошқариш органларига бўлиб ўтган сўнги
сайловлар.....

**III-БОБ. ХОРИЖИЙ МАМЛАКАТЛАРДА МАҲАЛЛИЙ ВА ЎЗИНИ ЎЗИ
БОШҚАРИШ ОРГАНЛАРИНИНГ ҲУҚУҚИЙ МАҚОМИ.....**

III.1 Хорижий мамлакатларда маҳаллий ва ўзини ўзи бошқариш
тушунчаси.....

III.2 Маҳаллий бошқарувнинг англосаксон ва роман–герман (континентал)
моделлари.....

ХУЛОСА

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

Кириш

Мавзунинг долзарблиги. Мустақиллик йилларида миллий демократик институт бўлган маҳалланинг–фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг мавқеи тикланди. Маҳалла нуфузини кўтариш, маҳалла оқсоқоллари ва фаолларининг ҳуқуқларини кенгайтириш, маъсулиятини ошириш борасида талай ишлар қилинди, уларнинг қонуний ваколатлари кенгайди.

“Айнан мустақиллик даврида ҳар томонлама ўзини оқлаган, тобора ҳаётимизда аҳамияти кучайиб бораётган фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари – маҳалла, институт, турли жамоа бирлашмалари ва ташкилотларини ривожлантириш ва мустаҳкамлаш масаласи бизнинг доимий эътиборимизда туриши лозим”¹,–деган эди Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов.

Фуқароларни ўзини ўзи бошқариши–фуқароларнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ҳамда қонунлари асосида амалга ошириладиган ва қафолатланган, ривожланишнинг тарихий хусусиятлари, миллий ва маънавий қадриятлар, урф-одатлар ва анъаналарга кўра маҳаллий аҳамиятга молик масалаларни ҳал қилиш борасида уюшган, давлат органларидан мустақил фолитидир.

Маҳалла-шаҳарча, қишлоқ, овулларда ёки улар ўртасида, шунингдек, шаҳарларда белгиланган аҳоли яшаш ҳудудларида фаолият кўрсатадиган, шу ҳудуд аҳолисининг манфаатларини таъминлайдиган миллий ва маънавий қадриятлар, урф-одатлар ва анъаналарни ҳаётга кенг жорий қилишда маъсул бўлган нодавлат тузулмасига қирувчи, фуқаролар йиғини томонидан бошқарилувчи аҳолининг ҳудудий бирлигидир.

Маҳалла фуқаролар йиғини–шаҳарча, қишлоқ овулларидаги ҳамда шаҳарларидаги маҳаллаларда фуқароларнинг манфаатларини ифодалаш, уларнинг бевосита маҳаллий бошқарув жараёнларида фаол иштирок этишини таъминлайдиган ва юзага чиқарадиган ўзини ўзи бошқаришнинг юқори ташкилий-ҳуқуқий органидир.

Маҳалла фуқаролар йиғини органлари–фуқаролар йиғинида сайланадиган ҳамда унга ҳисобот берадиган фуқаролар йиғини кенгаши, тафтиш комиссияси маҳалла фуқаролар йиғини органлари тизимига қиради.

Маҳалла фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли)–фуқаролар йиғини томонидан сайланадиган ва унга ҳисобот берадиган, маҳалла манфаатларини ҳимоя қиладиган ва унинг номидан иш кўрадиган, маҳаллага умумий раҳбарлик қиладиган давлат органларидан мустақил иш олиб борадиган жамоатчилик арбоби.

Маҳалла фуқаролик жамияти асоси, бевосита демократия институтини ва ўзини ўзи

¹ Каримов И.А. Ўзбекистонда демократик ўзгаришларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамияти асосларини шакллантиришнинг асосий йўналишлари // Маҳалла: фуқаролар ўзини ўзи бошқаришнинг ҳуқуқий асослари. Тошкент, 2003, 18 б.

бошқаришнинг миллий моделидир. Маҳаллалардаги фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг самарали фаолият юритиши—жамиятни ислоҳ қилиш жараёнига аҳоли кенг қатламларининг ташаббускорлигини ҳамда ҳалқимизнинг улкан интеллектуал ва маънавий салоҳиятини оширади.

Фуқаролик жамиятининг асоси, бевосита демократия институти, ўзини ўзи бошқаришнинг миллий модели сифатида маҳалланинг ҳозирги даврдаги моҳияти ва мақоми қуйидагиларда ўз аксини топади.

Маҳалла ўзини ўзи бошқариш органи сифатида:

биринчидан, фуқаролик жамиятининг асосий ўзини ўзи бошқари органидир, аҳоли энг қуйи ҳудудий бирлигида таркиб топган демократия ўчоғидир. Бамаслаҳат қарор қабул қилиш, уюшқоқлик, бағрикенглик, мурасасозлик, ўзаро меҳр-оқибат сингари ноёб шарқона фазилатлар айнан маҳалла муҳитида камол топади;

иккинчидан, соғлом ижтимоий муҳитни таъминловчи маскандир. Маҳаллада кучли таъсирга эга бўлган жамоатчилик фикри фуқароларнинг ҳуққ-атвори, ўзаро муносабатларини ижтимоий адолат ва маънавий-ахлоқий мезонлар асосида тартибга солиб туради;

учинчидан, кенг жамоатчилик ўртасида маърифий мафкуравий ишларни самарали амалга оширадиган макондир. Айниқса, ватанпарварлик, миллий қадриятлар, меҳр-оқибат, эл-юрт шаъни учун кураш каби инсоний фазилатларни камол топтиришда маҳалланинг ўрни беқиёс;

тўртинчидан, аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишнинг халқ ишонадиган адолатли йўли ва воситаларидан биридир. Маҳалла ким, қандай шароитда яшайпти, ким ҳақиқатдан ҳам ёрдамга муҳтожлигини яхши билади;

бешинчидан, миллий турмуш тарзидир. Ҳар бир инсон ва оиланинг аҳволини билиш, ғамхўрлик қилиш, муҳтожлар ҳолидан ҳабар олиш, саховат, меҳр-шафқат, маҳаллада асрлар давомида мужассамланган ноёб ҳислатлардир;

олтинчидан, ўзини ўзи бошқаришнинг миллий моделидир. Унда ҳалқимизнинг азалий удумлари, урф-одатлари ва анъаналарига таянилган ҳолда, улкан ахлоқий, маънавий ва тарбиявий вазифалар бажарилади. Кексаларнинг панд - насихати, катталарнинг шахсий ибрати, жамоанинг ҳамжихатлиги мисолида кишилар онгига эзгулик ғоялари сингдириб борилади.

Ўзбекистон жамоа бўлиб яшашнинг кўп минг йиллик тарихига эга. Одамлар жамоа бўлиб яшай бошлаганларида маҳаллага хос анъаналар ва қадриятлар шакллана борди. Табиат қийинчиликларни ташқи хавф—хатарларини биргаликда енгиш, ерларни ишлашда кучларни бирлаштириш, яхши-ёмон кунларда бир-бирига елкадош бўлишга интилиш туйғуси олис

аждождларимизни жамоа тарзида яшашга ўргатган.

Маҳалла неча-неча асрлар давомида бир ҳудудда яшовчи ва ахлоқий маънавий қадриятлар, ижтимоий - иқтисодий манфаатлар, анъаналар ва урф-одатлар бирлиги туфайли ўзаро чамбарчас боғланган кишиларнинг ноёб ҳамжамияти, жамоаси бўлиб келган. Унда катта ва аҳил оилада бўлгани сингари умумий манфаатлар, ҳамдардлик, ҳамжихатлик, бирдамлик, ўзаро ёрдам, адолат ва инсонийлик руҳи кучлидир.

мавзунинг долзарблиги қуйдагилар билан белгиланади:

1. **Илмий-назарий нуқтаи назардан:** фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ҳуқуқи назариясини яратиш ҳозирги кунда ҳуқуқшунослик фани олдида турган долзарб муаммолардан биридир. Истиқлол йилларида миллий демократик институт бўлмиш маҳалла мавзуси юристлар, файласуфлар, ташҳисчилар, сиёсатшунослар, стилологларнинг тадқиқотлардаги ўрин ола бошлади. Эндиликда мавжуд илмий изланишлар натижаларини умумлаштириш мўйян тизимга солиш вақти етиб келди.

2. **Амалий нуқтаи назардан:** юртбошимиз ҳақли такидлаганларидек, “ўзини ўзи бошқариш органларинг ривожлантириш учун энг мақбул ташкилий-ҳуқуқий механизмларини, яъни тегишли қонунчилик асосини шакллантириш, ташкилий – техникавий, моддий шарт-шароитларини, давлат ва жамоат бирлашмалари ҳамкорлигининг самарали усул-услугаларини вужудга келтириш ўта муҳим аҳамият касб этади”.¹

3. **Ўқув -тарбиявий нуқтаи назардан:** фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш ҳуқуқи – бу янги мустақил ҳуқуқий тадқиқотлар йўналиши, яъни юридик фан соҳаси ҳамда янги ҳуқуқий ўқув курси сифатида қаралмоғи керак.

4. **мафкуравий-сиёсий нуқтаи назардан:** маҳалла ўзини ўзи бошқариш институти сифатида нафақат ўзбек олимларини, балки кўп хорижий мутахассис ва сиёсатшуносларини диққат-эътиборини тортмоқда. Аммо ҳамма хорижий тадқиқотчилар ҳам маҳалланинг моҳияти, вазифалари ва фаолиятига холислик муносабатида бўлмаяптилар, ҳатто турли бўҳтон, уйдирма ва тухматона фикрларни тарқатмоқдалар. Шу боис бундай ноилмий, ҳақиқатга зид қарашларни фож этиш мафкуравий – сиёсий нуқтаи назардан катта аҳамият касб этади.

Мавзунинг ўрганилганлик даражаси. Маҳалла, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари истиқлол йилларида кўпчилик ўзбек олимларининг тадқиқот мавзусига айланди. Бунинг, албатта, бир қатор объектив сабаблари бор.

Биринчидан, юртбошимиз ташаббуслар билан маҳалла миллий демократик

¹ Каримов И.А. Ўзбекистонда демократик ўзгаришларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамияти асосларини шакллантиришнинг асосий йўналишлари // Маҳалла: фуқаролар ўзини ўзи бошқаришнинг ҳуқуқий асослари.Т.:2003,-18 б.

институт сифатида ўзининг янги уйғониш даврини бошидан кечира бошлади.¹ Фуқаролик жамиятининг муҳим таянч бўғини сифатида маҳалла мустақил Ўзбекистон тараққиётининг устувор йўналишига айланди ва давлат сиёсатининг муҳим омили бўлиб қолди.

Иккинчидан, мустақиллик йилларида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ўзининг конституциявий ва ҳуқуқий мақомига эга бўлди. Хусусан, 1992 йил декабрда Конституциямизда алоҳида модда бағишланди ва 1993 йил сентябрида Ўзбекистон тарихида илк бор “Фуқароларни ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида” қонун қабул қилинди. Кейинги йилларда эса бу қонун янада такомиллаштирилди ҳамда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятининг ҳуқуқий асосларини мустахкамлашга қаратилган бир қатор норматив ҳужжатлар қабул қилинди.

Учинчидан, маҳаллар, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари турли шаклларда ўқув-маърифий тарғиботлар марказига айланди. Бир қатор ўқув дарсликларда, масалан, конституциявий ҳуқуқ фани доирасида ушбу мавзу ўз аксини топди.

Шу сабаблар боис маҳалла фуқароларининг ўзини ўзи бошқариш органлари бир қатор ҳуқуқшунос олимларимиз томонидан тадқиқ қилинмоқда. Авваломбор, бу ўринда, профессор Ш.И.Жалиловнинг амалий, илмий ва ўқув-педагогик фаолиятини таъкидлаб ўтиш лозим. Бу олим ушбу мавзунини уч яъни амалий, назарий ва ўқув тарбиявий нуқтаи назардан қўшиб олиб бормоқдалар.¹

Конституциявий ҳуқуқ фани доирасида ушбу мавзуга бағишлаб профессорлар А.Тўлаганов², О.Т.Хусанов³, лар ҳам асарлар ёзганлар.

Мустақиллик йилларида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари бўйича бир қатор номзодлик диссертациялари ҳимоя қилинди ва ҳозирги кунд ҳам тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Бу ўринда Республикамизда жуда кўплаб ушбу мавзу бўйича тадқиқот ишларини олиб борилмоқда буларга М.Сувоникулов⁴ ва Г. Маликоваларни⁵ ишларини

¹ Масалан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1992 йил 12 сентябрдаги Фармонида мувофиқ Республика “Маҳалла” ҳайрия жамғармаси ташкил этилди. қаранг: Маҳалла фуқаролар ўзини ўзи бошқаришнинг ҳуқуқий асослари (маҳаллар фаолиятини тартибга солувчи қонун ҳужжатлари). Т, 2003.,100 б.

¹ Бу ерда Ш.И.Жалиловни куйидаги асарларини кўрсатиб ўтишни лозим топдик: ЖалиловШ.И., Жалилов Ш.И. Кучли давлатдан – кучли жамият сари. Тажриба, Таҳлил, амалиёт. -Т.: 2001.

Маҳалла: ўзини ўзи бошқариш ҳуқуқий кафолати (қонунчилик ва меъёрий ҳужжатлар тўплами) Тузувчи ва нашр учун маъсул: Ш.Жалилов. Тошкент, 1999 ЖалиловШ.И. Давлат ҳокимияти маҳаллий органлар ислоҳоти: тажриба ва муаммолар.-Т.: Ўзбекистон, 1994., ЖалиловШ.И.Кучли давлатдан –кучли жамият сари: тажриба, таҳлил,амалиёт.-Т.: Ўзбекистон,2001. ЖалиловШ.И. Маҳалла янгилашни даврида.-Т.: Мехнат, 1995. ЖалиловШ.И.Маҳалла: ўзини ўзи бошқаришнинг ҳуқуқий кафолати.-Т.:1999.

² Тўлаганов А.А. Давлат ҳокимиятининг вакиллик ва ўзини ўзи бошқариш органлар фаолиятини ташкил этиш.- Т.:ТДЮИ,2002.

³ Хусанов.О.Т.Мустақиллик ва маҳаллий ҳокимият –Т.:1996.*Ўша муаллиф.* Ўзбекистон Республикаси давлат органлари.-Т.1996.

⁴ Сувонкулов М.И. Ўзбекистон Республикасида фуқароларни ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятининг назарий-ҳуқуқий масалалари: Автореф. дис...канд.юридик.-Т.,2002.-32 б.

⁵

кўрсатиш мумкин.

Маҳалла мавзуи тарихчиси¹ ва ёсатшунос² олимлар томонидан ҳам тадқиқ қилинмоқда.

Бундан ташқари ушбу диссертация мавзуи бўйича кундалик матбуотда, газета ва журналларда кўплаб илмий, оммабоп мақолалар чоп этилган ва этилмоқда.³ Шу ўринда “Маҳалла” газетаси фуқароларининг ўзини ўзи бошқариш органлари бўлмиш маҳаллалар фаолиятини кенг ёритиб бормоқда.

Тадқиқотнинг предмети –фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисидаги қонунчилик ва уларнинг амалий фаолиятидир.

Тадқиқотнинг асосий мақсади–фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг ҳуқуқий мақоми, ваколатлари ва фаолиятининг асосий йўналишларини ўрганиш ва такомиллаштириш бўйича амалий таклифлар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг асосий вазифалари–қуйидагилардан иборат:

- маҳалла ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тушунчасини бериш;
- фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг ҳуқуқий мақомини кўрсатиш;
- фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг ваколатларини ўрганиш;
- фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг фуқаролик жамиятини шакллантиришдаги ролини кўрсатиш;
- маҳаллий ўзини ўзи бошқариш бўйича ҳорижий тажрибани ўрганиш;
- фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятининг ҳуқуқий асосларини такомиллаштиришга қаратилган амалий таклифларни ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг методологик назарий асосини Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг демократик ҳуқуқий давлат, адолатли фуқаролик жамияти ва маҳаллалар ҳақидаги илмий ва назарий ғоялари ва фундаментал асарлари ташкил этади.

Тадқиқотнинг норматив–ҳуқуқий асосини Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, фуқароларининг ўзини ўзи бошқариш органларига оид кодекс ва қонунлар, Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармонлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва бошқа қонун ости ҳужжатлари ташкил этади.

¹ З.Х.Арифханова, Современная жизнь традиционной махалли Ташкента. 2000. С-28.

² Маҳмудбеков Ш. Маҳалла ёки ўзини ўзи бошқариш органларини бугунги кундаги асосий фаолиятининг асосий тамойиллари ва йўналишлари // Демократлаштириш ва инсон ҳуқуқлари,-2001. №1. 17-22 б. *Ўша муаллиф.* «Обод маҳалла йили» –фуқаролик жамияти сари муҳум босқич. // Демократлаштириш ва инсон ҳуқуқлари,-2003. №3. 45-49 б

³ қаранг: Халилов.Э.Х. Деятельность Олий Мажлиса по повышению роли органов самоуправления граждан в строительстве правового гражданского общества // Общественное науки в Узбекистане.-1999.№1-2.-С.3-9.
қурбонов.О. ХХІаср маҳалласи: Муаммо ва ечимлар // Демократлаштириш ва инсон ҳуқуқлари.-2001. №1. 24-28 б. кодиров.к. Маҳалла оксоқоли // Ҳаёт ва қонун.-2000.№2-57 б. . кодиров.к.
Маҳалла тарбия маскани // Ҳаёт ва қонун.-1999.№8. 19-21 б.

Битирув малакавий ишининг тузилиши. Ушбу тадқиқот кириш, уч боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат.

I-БОБ. ФУҚАРОЛАРНИ ЎЗИНИ ЎЗИ БОШҚАРИШ ОРГАНЛАРИНИНГ ХУҚУҚИЙ МАҚОМИ

I.1. ФУҚАРОЛАРНИНГ ЎЗИНИ ЎЗИ БОШҚАРИШ ОРГАНЛАРИ ФАОЛИЯТИНИНГ ХУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

Дунёнинг аксарият ривожланган давлатларида маҳаллий доирада барча ишлар сайлов асосида шакллантириладиган ёхуд маҳаллий бошқарув органи сифатида марказдан махсус тайинланадиган маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан амалга оширилади.

Европа Кенгаши томонидан 1985 йилнинг 15 октябрида тасдиқланган "Маҳаллий ўзини ўзи бошқариш бўйича Европа хартияси"да деярли барча демократик давлатларда ялпи равишда қабул қилинган маҳаллий ўзини ўзи бошқариш тизими тўғрисида умумий тушунча берилган¹. "Хартия"да қайд этилганидек, маҳаллий ўзини ўзи бошқариш - жамоат ишларидан муайян қисмини қонун доирасида ва ўз масъулияти остида ҳамда аҳоли манфаатлари йўлида бошқариш, назорат қилиш борасида маҳаллий ҳамжамиятларнинг ҳуқуқ ва лаёқати демакдир².

Мустақиллик йилларида мамлакатимизда ҳам маҳаллий ўзини ўзи бошқариш тизими шаклланиши ва изчил равнақ топишига жиддий эътибор қаратиб келинмоқда. Бунда, аввало, Ўзбекистон Президенти кўп бора таъкидлаганидек, фуқароларнинг ўз турмуш ва бутун жамият ҳаётини бошқариш ва ташкил этиш борасидаги фуқаролик жамияти тамойилларига тўлиқ мос келувчи фаол иштироки учун зарур шарт-шароитларни яратиш, ғарбагилар учун нотаниш, аммо миллий табиатимизга мос бўлган ўзини ўзи бошқарув усули - маҳаллани ривожлантириш ҳамда унинг мавқеини ошириш мамлакатимиз сиёсий ва давлат қурилишининг асосий хусусиятларидан бири сифатида белгиланганлиги алоҳида эътиборга сазовордир³.

Маҳалла – (арабча “маҳалла” – ўрин, жой, макон) – Ўзбекистоннинг муайян тарихий шароитида, асрлар давомида шаклланиб фаолият кўрсатаётган аҳоли яшаётган маъмурий-худудий бирлик, уюшма. Маҳаллалар 1917 йилгача бўлган даврда жуда кенг иш олиб бориб маҳаллий аҳолини бирлаштирувчи уюштирувчи ташкилий тузилма бўлганлар. Маҳалла ўзбек халқининг кундалик ижтимоий ҳаётини ва турмушини ташкил қилишда излаб топган ва шакллари билан шарқона фикрлаш, иш кўриш тарзи каби халқимизнинг ўзига хос

¹ қаранг: Европейская хартия о местном самоуправлении «Реформы местного самоуправления в странах Западной Европы. М., 1993. С. 172-174.

² Ўша жойда, С. 172.

³ қаранг: Маҳалла: ўзини ўзи бошқариш ҳуқуқий кафолати (қонунчилик ва меъёрий ҳужжатлар тўплами) Тузувчи ва нашр учун маъсул: Ш.Жалилов. –Т.: 1999 й.

фазилатларини акс эттиради. Маҳаллалар аҳолини аҳл-тотув яшашга, ситкидилдан меҳнат қилишга, касб ўрганишга, шулар орқали ҳаёт кечиришни енгиллаштиришга чақиради.

Бошқача қилиб айтганда, истиқлол туфайли демократия дарсхонаси - маҳаллалар том маънода уйғониш даврига қадам қўйди. Юртбошимизнинг ташаббуси ва бевосита раҳбарлиги асосида маҳаллалар жамиятимиз ҳаётида ўзининг муносиб ўрнини топди. Зотан, маҳалла - бизнинг ўзлигимизга, ҳаёт тарзимизга хос бўлган миллий демократик институтдир.

Ўзбекистонни маҳалласиз тасаввур этиб бўлмайди. Маҳаллалар, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фуқаролик жамиятининг асоси саналади. Бундай жамиятни шакллантириш билан боғлиқ саъй-ҳаракатларимизда ушбу тизимнинг ўрни ва нуфузи тобора ортиб бораверади. Айниқса, мамлакатимиз раҳбари томонидан илгари сурилган "Кучли давлатдан кучли фуқаролик жамияти сари" деган ғояни рўёбга чиқаришда ўзини ўзи бошқариш органларининг роли бениҳоядир¹.

Шўролар замонида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида бирорта қонун бўлмаган. Маҳалла - совет тузумига ёт институт эди. Маҳалла фаолиятини ҳуқуқий тартибга солишга доир ягона ҳужжат - Маҳалла қўмитаси тўғрисидаги низом бўлиб, у 1961 йилда республика олий қонун чиқарувчи органи томонидан қабул қилинганди.

Мустақиллик шарофати ўлароқ, маҳалла ўзининг реал ҳуқуқий мақомини олди. Эндиликда миллий давлатчилигимиз тарихида биринчи мартаба маҳалла конституциявий институт мақомига эга бўлди. Бу мақом Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 105-моддасида мустаҳкамлаб қўйилди².

“Шаҳарча, қишлоқ ва овулларда, шунингдек улар таркибидаги маҳаллаларда ҳамда шаҳарлардаги маҳаллаларда фуқароларнинг йиғинлари ўзини ўзи бошқариш органлари бўлиб, улар икки ярим йил муддатга раисни (оксоқолни) ва унинг маслаҳатчиларини сайлайди.

Ўзини ўзи бошқариш органларини сайлаш тартиби, фаолиятини ташкил этиш ҳамда ваколат доираси қонун билан белгиланади”.

Ушбу қоидалар Конституциямизнинг 105-моддасида ёзилгандир. Демак қишлоқ, шаҳар ва овулларда, шунингдек уларнинг таркибидаги маҳаллаларда ва шаҳар таркибига қирувчи маҳаллаларда давлат ҳокимияти органлари эмас, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тузилиши ушбу моддада назарда тутилган.

Фуқароларни ўзини ўзи бошқариш органлари шаҳарча, қишлоқ ва овуллардаги ҳамда уларнинг таркибидаги маҳаллалардаги ва шаҳар таркибидаги маҳаллалардаги фуқароларнинг

¹ қаранг: Каримов. И.А. Бизнинг бош мақсадимиз-жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир. -Т.: 2005. 39-бет.; Жалилов Ш.И. Кучли давлатдан – кучли жамият сари. Тажриба, Таҳлил, амалиёт. -Т.: 2001.

² Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. –Т.: «Ўзбекистон», 2013. 38-бет.

йиғинидир. Бу йиғинлар кундалик фаолият юритиш учун 2,5 йил муддатга раис (оксокол) ва унинг маслаҳатчиларини сайлаб қўяди.

Ўзи ўзини бошқариш органлари жамият ва давлат ишларини бошқаришга фуқароларни жалб этишга кўмаклашади, давлат ҳокимияти органларига, қонунларни юқори давлат органларининг ҳужжатларини ҳалқ депутатлари Кенгашлари ва ҳокимларнинг қарорларини бажаришда ёрдамлашиш мақсадида фуқароларни бирлаштиради.

Фуқароларни ўзини ўзи бошқариш органлари юридик шахс ҳуқуқларидан фойдаланади.

қонунга биноан, ўзини ўзи бошқариш органлари, давлат органларига кўмаклашиш билан бирга ўзлари ҳам мустақил равишда баъзи давлат органларига тааллуқли вазифаларни бажаради. Масалан: қишлоқ ва шаҳарлардаги ўзини ўзи бошқариш органлари ер муносабатларини тартибга солишда, аввалги қишлоқ ва шаҳарлардаги давлат ҳокимияти органларининг ваколатларини бажаради. Бундан ташқари улар баъзи нотариал ва фуқаролик актларини қайд қилувчи органларнинг ҳам баъзи вазифаларини бажаради (1-чизма).


Фуқароларни ўзини ўзи бошқариш тушунчаси

Фуқароларни ўзини ўзи бошқариш – фуқароларнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунлари билан кафолатланадиган, уларнинг ўз манфаатлардан, ривожланишининг тарихий хусусиятларидан, шунингдек маҳаллий урф-одатлар ва анъаналардан келиб чиққан ҳолда маҳаллий аҳамиятга молик масалаларни ҳал қилиш борасидаги мустақил фаолиятидир.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш тизими.



Фуқаролар ўзини-ўзи бошқариш органига оқсоқол (раис) бошчилик қилади.
У икки ярим йил муддатга сайланади.



Асосий қонунга кўра давлат органи билан фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари асосли равишда бир-биридан ажратилган. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларини сайлаш тартиби, фаолиятини ташкил этиш, уларнинг вазифаси, ваколатлари қонун билан белгиланиши кўрсатилган. Кейинчалик ушбу конституциявий қоидалар жорий қонунчиликда янада ривожлантирилган.

1993 йил 2 сентябрда "Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида"ги қонун қабул қилинган. Бу - Ўзбекистон тарихида маҳаллаларга бағишланган биринчи қонундир. Унда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг ҳуқуқий мақоми, жумладан, уларнинг вазифаси, ваколатлари, фуқаролар йиғини ва раиснинг ваколатлари, уларнинг давлат ҳокимияти органлари билан муносабат асослари белгилаб берилди. Ушбу қонун юртимиз маҳаллалари тараққиётига катта ҳисса қўшди.

1995 йил 21 декабрда тасдиқланган Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодексига ҳам маҳалла ҳақида алоҳида модда киритилган бўлиб (78-модда), унда қайд этилганидек, "Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари юридик шахс сифатида фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларнинг қатнашчиларидир"¹.

"Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги, "Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисида"ги, "Уй-жой мулкдорларининг ширкатлари тўғрисида"ги, "Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида"ги қонунларда ҳам фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ҳақида қоидалар мавжуд.

Ўзбекистонда босқичма-босқич амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотлар ва миллий тараққиёт талабларидан келиб чиқиб ушбу қонун ҳужжатлари мунтазам равишда такомиллаштириб бориляпти. Хусусан, 1999 йил 14 апрелда "Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида"ги қонуннинг янги таҳрири тасдиқланди².

Маҳалла нуфузини кўтариш, фуқаролик жамиятининг устувор асоси бўлган ўзини ўзи бошқариш тизимини ривожлантириш нафақат ижтимоий, балки сиёсий, тарбиявий ва улкан маънавий масала эканлиги боис, ушбу тизим ҳуқуқий негазини мустаҳкамлаш Президентимиз ва мамлакат парламентининг доимий эътиборида. Иккинчи чақириқ Олий Мажлиснинг 12-сессиясида "Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида"ги қонуннинг янги таҳриридаги қарийб ўн та моддага ўзгартиш ва қўшимчалар киритилганлиги фикримизга далил бўла олади.

Муҳим ўзгаришлардан бири - фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари мақомининг янада аниқлаштирилганлигидир. қонуннинг 7-моддаси Конституциянинг 105-моддасига мослаштирилди ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тушунчаси

¹ Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси, Биринчи қисм –Т.: «Ўзбекистон», 1996, 37-38 б.

² «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги қонун (янги таҳрири) // Маҳалла: ўзини ўзи бошқариш

қуйидагича конкретлаштирилди: "Шаҳарчалар, қишлоқлар ва овуллар, шунингдек шаҳарлар, шаҳарчалар, қишлоқлар ва овуллардаги маҳаллалар фуқароларининг йиғанлари (бундан буён матнда фуқаролар йиғини деб юритилади) фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларидир"¹.

Худди шу модданинг иккинчи бандида белгиланганидек, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари маҳаллий давлат ҳокимияти органлари тизимига кирмайди ва қонун билан берилган ўз ваколатларини тегишли ҳудудда амалга оширади. Фуқаролар йиғини ўзининг органларига эга. Улар сирасига фуқаролар йиғини кенгаши, фуқаролар йиғини фаолиятининг асосий йўналишлари бўйича комиссиялар, тафтиш комиссияси, шунингдек айрим ўринларда маъмурий комиссиялар киради. Гап шундаки, илгари бу кенгаш ва барча комиссиялар ҳам фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари деб юритиларди. Эндиликда эса бундай мақом фақат фуқаролар йиғинига хос саналади.

Истиқлол даврида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини ҳуқуқий асосларини шакллантириш ва такомиллаштириш мақсадида Президентимизнинг ўн та фармони, Вазирлар Маҳкамасининг саккизта қарори, 11 та намунавий низом, бир қатор дастурлар, йўриқномалар ва услубий кўрсатмалар ийгааб чиқилганлиги ҳамда амалиётга татбиқ этилаётганлиги ҳам бу борадаги ишларимиз нечоғли кенг кўлам касб этганини кўрсатади².

Шундай қилиб, ҳозирги кунда маҳалла йиғинига сайлов ўтказишнинг ҳуқуқий асослари яратилган. Аввало, Конституциянинг 105-моддаси ва "Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида"ги қонундир.

ҳуқуқий кафолати (қонунчилик ва меъёрий ҳужжатлар тўплами), -Т.: 1999, 62-81-б.

¹ Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги қонун // Халқ сўзи, 2003, 31-октябрь.

² қаранг: Маҳалла: ўзини ўзи бошқариш ҳуқуқий кафолати (қонунчилик ва меъёрий ҳужжатлар тўплами). –Т.: 1999.

1.2. ФУҚАРОЛАРНИНГ ЎЗИНИ ЎЗИ БОШҚАРИШ ОРГАНЛАРИНИНГ ВАКОЛАТЛАРИ

Ўзбекистон Республикасининг мустақил ривожланиши мобайнида шу нарса аён бўлдики, давлатни бошқаришда ҳамда демократик ислохотларни амалга оширишда фуқароларнинг фаол иштирокини таъминлаш зарурдир. Зеро, бу адолатли фуқаролик жамиятини барпо этишнинг асосий талабидир. Адолатли фуқаролик жамиятни куришда халқ - давлат ҳокимиятининг бирдан-бир манбаидир.

Фуқаролик жамиятини куриш албатта, кучли давлатдан кучли жамият сари босқичма-босқич ўтиш орқали рўй беради. Бунда давлат ташки сийсат, муҳофаа, давлат ва фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш, молия ва солиқ тизимини шакллантириш, қонунлар қабул қилиш каби умуммиллий вазифаларни амалга оширса, бошқа вазифаларни бажариш ваколатлари Президентимиз И. А. Каримов таъкидлаганларидек, "...марказдан жойларга, жамоат ташкилотларига ҳамда аста-секин фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари зиммасига юклатиш лозим"¹, чунки фуқаролик жамиятини куриш ўзини ўзи бошқариш органларини фаоллаштириш орқали амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикасининг Конституциясининг 105-моддасида "Шаҳарда, қишлоқ ва овулларда, шунингдек, улар таркибидаги маҳаллаларда фуқаролар йиғинларини ўзини ўзи бошқариш органлари бўлиб, улар икки ярим йил муддатга раисни (оқсоқолни ва унинг маслаҳатчиларини) сайлайди"², деб белгилаб қўйилган. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларини шакллантиришда уларнинг ҳуқуқий асослари етакчи ўринни эгаллайди, яъни уларни ҳуқуқий тартибга солади.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг ҳуқуқий асосларига:

- 1) Ўзбекистон Республикаси Конституцияси;
- 2) Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисидаги қонунлар;
- 3) Ўзбекистон Республикаси Президенти фармон ва фармойишлари;
- 4) Вазирлар Маҳкамаси ҳуқуқий ҳужжатлари;
- 5) Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари низомлари ҳамда бошқа норматив ҳуқуқий ҳужжатлар киради.

Биринчи чақириқ Олий Мажлиснинг XIV сессиясида янги таҳрирдаги "Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида"ги қонун(1999 йил 14 апрель)

¹ Каримов И.А. Ўзбекистоннинг сиёсий-ижтимоий ва иқтисодий истиқболининг асосий тамоиллари. –Т.: 1995. 16-б.

² Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. –Т.: «Ўзбекистон», 2013. 38-б.

кабул қилинди.

Мазкур қонун фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятида туб бурилиш ясади, яъни янги таҳрирдаги қонуннинг 7-моддасига асосан, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари давлат ҳокимияти органлари таркибига крмайди, деб тўғридан-тўғри белгилаб қўйилди.

Ушбу қоида орқали фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ўз фаолиятини амалга оширишда мустақил ҳаракат қилади.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ўз фаолиятини ҳудудий принцип бўйича амалга оширади ҳамда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариши Ўзбекистон Республикасининг бутун ҳудудида амалга оширилади.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг асосий вазифаси фуқароларни маҳаллий аҳамиятга бўғлиқ масалаларни ҳал қилишда мустақил равишда фаолият қилишини таъминлашдир.

Фуқаролар ўз ҳуқуқларини фуқаролар йиғинлари орқали амалга оширадilar.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисидаги қонуннинг 7-моддасида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари кўрсатиб ўтилган бўлиб, уларга қуйидагилар киради:

- 1) фуқаролар йиғини;
- 2) фуқаролар йиғинининг кенгаши;
- 3) фуқаролар йиғини фаолиятининг асосий йўналишлари бўйича комиссиялар.

Уларнинг ҳуқуқий ҳолати фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисидаги қонун билан мустаҳкамланган.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари юридик шахс мақомига эга бўлиб, белгиланган намунадаги муҳрга эга ҳамда маҳаллий давлат ҳокимияти органларида рўйхатга олинади.

“Маҳалла” ҳайрия жамғармасининг 2005 йил январигача бўлган маълумоти бўйича, ҳозирда Ўзбекистон Республикасида жами 9944 фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари бўлса, шулардан 6855 таси юридик шахс мақомига эга¹.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг олий органи фуқаролар йиғини ҳисобланади ва аҳоли манфаатларини ифодалаш, унинг номидан тегишли ҳудудда амал қилувчи қарорлар қабул қилиш ҳуқуқига эга. Республикадаги жами фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларидан 114 таси шаҳарчаларда, 1339 таси кишлоқларда, 131 таси овулларда, 2219 таси шаҳарларда фаолият кўрсатмоқда. Ушбу органлар раисларидан 6289

¹ Қаранг: Ўзбекистон Оқсоқоллари Кенгаши ва «Маҳалла» жамғармаси томонидан 2004 йил давомида амалга оширилган ишлар тўғрисида Маълумот. –Т.: 2005. 3-б.

нафари ойлик маош билан таъминлангандир².

Фуқаролар йиғини раиси, йиғин кенгаши томонидан заруратга қараб, лекин йилнинг ҳар чорагида камида бир марта чақирилади. Шу билан бирга фуқаролар йиғини халқ депутатлари туман, шаҳар кенгашининг, шунингдек, туман, шаҳар ҳокимининг ёки ўн саккиз ёшга тўлган ва мазкур ҳудудда доимий яшовчи фуқароларнинг камида учдан бир қисми ташаббуси билан ҳам чақирилиши мумкин.

Фуқаролар йиғини чақиришнинг иложи бўлмаган тақдирда вакилларнинг йиғилиши чақирилади. Ушбу вакиллар кўча, уй маҳалла ва мавзелардан жалб қилинади ва уларнинг меъёри ҳоким томонидан белгиланади.

Фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларини мувофиқлаштириш республика Оқсоқоллар кенгаши томонидан амалга оширилади, шунингдек, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш ишлари бўйича вилоят, туман, шаҳар мувофиқлаштириш кенгашлари тузилиши мумкин.

Фуқаролар йиғини кенгаши ва фуқаролар йиғинининг раиси томонидан заруратга қараб, лекин ойига камида бир марта ўтказилади ҳамда кенгаш аъзоларининг учдан икки қисми бўлганида қабул қилинган қарор ваколатли ҳисобланади.

Фуқаролар йиғини кенгаши ўз девонига эга бўлиши мумкин, уларнинг ходимлари сони фуқаролар йиғини томонидан белгиланади.

Фуқаролар йиғини кенгашининг ходимлари фуқаролар йиғини маблағлари ҳисобига ҳам, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобига ҳам таъминланиши мумкин.

Фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан қурилган, олинган ёки уларга берилган жамоат, ижтимоий-маиший ва бошқа мақсаддаги объектлар, шунингдек, транспорт воситалари, хўжалик анжомлари ҳамда бошқа кўчадиган ва кўчмас мулк уларнинг мулки ҳисобланади.

Фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг молиявий ресурслари уларнинг ўз маблағларидан, халқ депутатлари туман ва шаҳар кенгашлари томонидан белгиланган тартибда ажратилган бюджет маблағларидан, юридик ва жисмоний шахсларнинг ижтимоий маблағлари, шунингдек, қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа маблағлардан ташкил топиши мумкин.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларин қайта ташкил этиш ва уларнинг фаолиятини тугатиш маъмурий-ҳудудий бирлик, маҳалла қўшилганда, бўлинганда, тугатилганида фуқаролар йиғинининг қарорига биноан, қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади.

² Ўша жойда.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг ваколатлари ҳақида гапирганда, “Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида”ги янги таҳрирдаги қонунда уларнинг ваколатлари анча кенгайтирилган бўлиб, улар қуйидаги тартибда таснифланган, яъни ваколатлар алоҳида-алоҳида берилган.

қонуннинг 10-моддасида шаҳарча, қишлоқ, овул фуқаролар йиғини ва шаҳардаги маҳалла фуқаролар йиғини тегишли равишда шаҳарча, қишлоқ, овул фуқароларининг ўзини ўзи бошқариш органларининг ҳамда шаҳардаги маҳалла фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг ваколатларига қонун ҳужжатлари билан берилган исталган масалани ўзи кўриб чиқиш учун олиш ва ҳал қилиш ҳуқуқига эгаллиги белгиланган ҳамда улар ваколат доирасида қуйидаги ишларни амалга оширадилар:

1) фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли)ни ва унинг маслаҳатчиларини, фуқаролар йиғини фаолиятининг асосий йўналишлари бўйича комиссияларининг раисларини ва аъзоларини сайлайди, йилнинг ҳар чорагида уларнинг ҳисоботларини эшитади;

2) фуқаролар йиғининг тафтиш комиссиясини ҳамда қонун ҳужжатларида кўзда тутилган ҳолларда маъмурий комиссияни сайлайди, улар тўғрисидаги низомларни тасдиқлайди;

3) белгиланган тартибда раис (оқсоқол)нинг маслаҳатчилари ва фуқаролар йиғини кенгаши девонининг таркибини белгилайди, раис (оқсоқол)нинг тақдимномасига кўра, йиғиннинг маъсул котибини сайлайди;

4) кенгаш, тафтиш комиссияси ва маъмурий комиссия фаолиятининг асосий йўналишларини белгилайди, йилнинг ҳар чорагида уларнинг ҳисоботларини эшитади;

5) фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг фаолият дастурини ва харажатлар сметасини ҳудудни ялпи (комплекс) ривожлантиришни таъминлаш, аҳоли пунктларини ободонлаштириш ва уларнинг санитария ҳолатини яхшилашга қаратилган тадбирлар режасини тасдиқлайди;

6) қонунлар ва бошқа қонун ҳужжатларининг, шунингдек, ўз қарорларининг ижро этилиши бўйича жамоатчилик назоратини ўрнатади;

7) халқ депутатлари туман, шаҳар кенгаши депутатлигига номзод кўрсатиш тўғрисида қарор қабул қилади;

8) атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва ободонлаштириш масалалари юзасидан ўз ваколати доирасида тегишли ҳудудда жойлашган корхоналар, муассасалар, ташкилотлар раҳбарларининг ҳисоботларини эшитади;

9) гўзарлар барпо этишга доир масалаларни кўриб чиқади ва бошқа ваколатларни амалга оширади.

Фуқаролар йиғинининг қарорларини бажариш ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг фуқаролар йиғинлари оралиқ давридаги жорий фаолиятини амалга ошириш учун фуқаролар йиғинининг раиси (оқсоқоли), унинг маслаҳатчилари фуқарола йиғини фаолиятининг асосий йўналишлари бўйича комиссияларнинг раислари ва йиғиннинг маъсул котибидан иборат таркибда фуқаролар йиғинининг кенгаши тузилади.

Фуқаролар йиғинининг кенгаши қуйидаги ваколатларга эга:

- 1) фуқаролар йиғинини чақиради;
- 2) фуқаролар йиғини фаолиятининг асосий йўналишлари бўйича комиссия ишини мувофиқлаштиради, хайрия ташкилотлари ва бошқа ташкилотлар билан ҳамкорликда тадбирлар белгилайди;
- 3) оммавий-сиёсий, маънавий-маърифий, маданий, спортга оид ва бошқа тадбирларни ўтказишда маҳаллий давлат ҳокимияти органларига кўмаклашади;
- 4) рўйхатдан ўтмаган диний ташкилотлар фаолиятини олдини олиш, фуқароларнинг диний эътиқод эркинлиги ҳуқуқларига риоя қилинишини таъминлаш, диний қарашларни мажбуран сингдиришга йўл қўймаслик чора-тадбирларини кўради, виждон эркинлигини ва диний ташкилотлар тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилиши билан боғлиқ бошқа масалаларни кўриб чиқади;
- 5) икки ёшга тўлмаган болалари бор ишламайдиган оналарга нафақаларни шу мақсадда ажратилган давлат бюджети маблағларидан белгиланган тартибда тайинлайди ва тўлайди;
- 6) тегишли ҳудудда жамоат тартибини таъминлашда, шу жумладан, фуқароларнинг келиши ва кетишини ҳисобга олишни ташкил этишда, ўсмирлар ва ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ишида, вояга етмаганларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга кўмаклашади;
- 7) аҳоли пунктлари, сув таъминоти манбалари, турар жойлар, мактаблар ва бошқа таълим муассасаларининг санитария ва экология ҳолати устидан назоратнинг амалга оширилишига кўмаклашади;
- 8) жазони ижро этиш муассасаларидан озод этилган шахсларни ижтимоий-меҳнатга тиклаш ва жиноятчиликнинг олдини олишга доир тадбирларни ижтимоий мослашув марказлари билан биргаликда қонун ҳужжатларига мувофиқ, бошқа ваколатларни ҳам амалга оширади.

Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) қонуннинг 13-моддасида берилган қуйидаги ваколатларни амалга оширади:

- 1) фуқаролар йиғинини чақиради;

2) раис маслахатчилари, маъсул котиб, фуқаролар йиғини фаолиятининг асосий йўналишлари бўйича комиссиялар ҳамда маъмурий комиссия раислари ва аъзоларининг номзодларини сайлаш учун уларни фуқаролар йиғинига тақдим этади;

3) давлат ҳокимияти ва бошқарув органларида, судда, юридик ва жисмоний шахслар билан муносабатларда фуқароларнинг манфаатларини ҳимоя қилади;

4) эгасиз мол-мулкни, шунингдек, мерос тариқасида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига ўтган мол-мулкни сақлаш чора-тадбирларини кўради;

5) фуқароларни ўзини ўзи бошқариш органлари номидан шартномалар тузади;

6) тегишли ҳудудда байрам кунлари ва муҳим саналар билан боғлиқ оммавий тадбирлар ўтказилишини ташкил қилади ва қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни амалга оширади.

Шу билан бирга, раис (оқсоқол)лар айрим фуқаролик ҳолати далолатномаларини рўйхатга олади ва нотариал ҳаракатларни амалга оширади, жумладан, туғилиш, ўлим, никоҳ тузиш ва никоҳни бекор қилиш, оталикни белгилаш ҳамда нотариус бўлмаган аҳоли пунктларида васиятномаларни, ишончномаларни тасдиқлаш ва қонун ҳужжатларида кўрсатилган бошқа ваколатларни амалга ошириш ҳуқуқига эга.

Айни вақтда, фуқароларни ўзини ўзи бошқариш органлари ўз ҳудудида бажарилиши мажбурий бўлган қарорлар қабул қилади. Уларнинг бажарилиши шарт, акс ҳолда, турли жавобгарликка сабаб бўлади.

II-БОБ. ФУҚАРОЛАРНИНГ ЎЗИНИ ЎЗИ БОШҚАРИШ ОРГАНЛАРИНИНГ ЎЗБЕКИСТОНДА АДОЛАТЛИ ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИНИ ШАКЛЛАНТИРИШДАГИ РОЛИ

II.1. ФУҚАРОЛАРНИНГ ЎЗИНИ ЎЗИ БОШҚАРИШ ОРГАНЛАРИНИНГ АДОЛАТЛИ ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИНИ ШАКЛЛАНТИРИШДА РОЛИНИ ОШИРИШ РОЛИНИ ОШИРИШ

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига сайловлар мамлакатимизда демократик жараёнларни янада чуқурлаштириш ва ҳуқуқий фуқаролик жамиятини барпо этишда улкан аҳамиятга молик муҳим ижтимоий-сиёсий тадбир ҳисобланади. Унинг муҳимлиги, аввало, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг халқ ва давлат ҳаётидаги алоҳида аҳамияти, ўтказилаётган кенг миқёсли демократик ислохотларда уларнинг ролини ошириш зарурлиги билан белгиланади. қадим-қадимдан маҳалла жамоатчилиқ фикрини шакллантириш, миллий анъаналар ва одатларни асраш, турмушдаги кўпгина долзарб масалаларни ҳал этиш маркази бўлиб келган.

Маҳалла тарихий жиҳатдан ва замонавий маънода бир жойда яшайдиган ҳамда умумий эҳтиёжлари билан ўзаро боғлиқ одамларнинг ижтимоий, маданий ва маънавий муштараклиги асосда таркиб топган жамоадир. Айнан маҳаллада аксар ҳолларда сиёсат ва иқтисодиётнинг, давлат ҳаёти ва маданий ҳаётнинг долзарб масалаларига доир умумий фикр шаклланади, одамларнинг жамиятдаги ҳуқ-атвори қоидалари белгиланади.

Фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг ижтимоий турмушдаги роли ва аҳамияти Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримов томонидан бир неча бор таъкидланган. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг ўн йиллигига бағишланган, жорий йил Обод маҳалла йили деб эълон қилинган тантанали йиғилишда давлатимиз бошлиғи, хусусан шундай деган эдилар:

«Маҳалланинг ҳаётимиздаги мавқеи юксак, унинг қонуний, ҳуқуқий асослари ҳар томонлама мустаҳкам бўлиб ривож топса, бу идорани жамиятимиз сиёсий-иқтисодий ва маънавий ҳаётининг ажралмас бир қисми, қуйи бошқариш тизими сифатида нечоғли кучайтирсак, бунинг учун барча моддий-молиявий шароитларни ташкил қилиб берсак, ўйлайманки, бу ўз олдимизга қўйган олий мақсадларга эришиш йўлида катта қадам бўлади.

Барчангиз яхши биласиз, «Отанг - маҳалла, онанг - маҳалла» деган ҳикматда жуда катта маъно бор»¹.

Гарчи маҳалла мамлакатимизда кўп асрлардан буён мавжуд бўлсада, Ўзбекистон

давлат мустақиллигига эришганидан кейингина у юксак ижтимоий-ҳуқуқий мақомга эга бўлди. Мамлакатимиз мустақил ривожланишининг дастлабки кунлариданоқ фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг жамиятимиз ҳаётидаги роли ва аҳамиятини оширишга катта эътибор қаратилди. 1992 йилда Президентимиз И.А.Каримовнинг фармони билан «Маҳалла» республика хайрия жамғармаси ташкил этилганлиги,¹⁴ 1993 йилда «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги қонун қабул қилинганлигининг ўзи ҳам маҳаллаларнинг давлат томонидан қўллаб-қувватланаётганлигига ёрқин далил бўла олади. Мазкур қонунга 1999 йилда қўшимча ва ўзгартишлар киритилиб, Олий Мажлис томонидан қонуннинг янги таҳрири қабул қилинди. Шу тариқа, мамлакатимизда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятининг етарлича қўламдор ва мустаҳкам ҳуқуқий негази яратилган бўлиб, бу негаз замон талаблари ҳисобга олинган ҳолда мунтазам равишда бойитиб ва такомиллаштириб борилмоқда. Шу сабабли фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига миллий қонун ҳужжатларимизда берилган ҳуқуқларни амалда рўёбга чиқариш бугунги кунда олдимизда турган асосий вазифа ҳисобланади.

Ўзбекистонни XXI аср бошида ривожлантиришнинг мамлакатимиз Президенти томонидан олға сурилган стратегик дастури амалга оширилгани сайин фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари роли тўхтовсиз ошиб боради. Дастур ривожланган бозор иқтисодиётига эга бўлган очиқ демократик давлатни барпо этиш, ҳуқуқий фуқаролик жамиятини шакллантиришнинг энг муҳим шарт-шароитлари сифатида жамиятимиз ҳаётининг сиёсий, иқтисодий, маънавий ва бошқа соҳаларини янада эркинлаштиришга, қонуннинг устунлигани, шахс, оила, жамиятда давлатнинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлашга қаратилгандир. Ўзбекистонни ривожлантиришнинг ана шу дастурига мувофиқ мамлакатимизда давлатнинг бир қатор вазифаларини нодавлат тузилмаларига, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига босқичма-босқич ўткази боришга киришилди.

Ўзбекистон раҳбарияти ижтимоий ўзгартиришларнинг ана шундай моделини танлашда ҳар қандай жамиятнинг демократик моҳияти аввало аҳоли кенг қатламларининг давлатни бошқаришдаги иштироки масаласи қанчалик ҳал этилганлиги билан белгиланишига асосланди. Тараққий этган мамлакатларда фуқароларнинг ўзлари ижтимоий-сиёсий ҳаётда кўнгилли равишда ва профессионал асосда фаол иштирок этишлари бежиз эмас, албатта.

Фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг жамиятни ислоҳ қилиш жараёнидаги самарали фаолияти аҳолининг кенг қатламлари ташаббускорлигидан, халқимизнинг улкан интеллектуал ва маънавий салоҳиятидан мумкин бўлган даражада кўпроқ ва кенгрок

¹⁴ Каримов И.А. Ҳаётимизнинг, тараққийтимизнинг ҳуқуқий асоси «Халқ сўзи», 2002, 6-декабр

фойдаланиш имконини беради. Маҳаллалар, шаҳарчалар, қишлоқлар ва овуллардаги ишларнинг аҳволини яхши билганликлари сабабли фуқаролар йиғинларининг раислари (оқсоқоллар) ва уларнинг маслаҳатчилари кўпгина ижтимоий, иқтисодий, маънавий ва бошқа масалаларни жойларнинг ўзида ҳал қила оладилар. Халқнинг ўз ташаббуси ва ижоди маҳсули бўлган фуқаролар йиғинлари чинакам ноёб, миллий, жаҳон амалиётида ўхшаши йўқ маҳаллий ўзини ўзи бошқариш шакли бўлгани ҳолда, теран ва бақувват илдиз мисол маҳаллий ҳокимиятни ўзбек халқининг кўп асрлик анъаналари, маданияти, тажрибаси ва ақл-заковати сарчашмасидан баҳраманд этмоқда. Умум эътироф этилган демократик қадриятлар ва институтлар муайян ижтимоий-сиёсий шароитда ўзининг ноёб мазмунига эга бўлиб бораётганлигига бу яққол мисол бўла олади.

Жамият тараққиётининг ҳозирги босқичи фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари роли ва аҳамиятинигина эмас, балки уларнинг олдида турган асосий вазифаларни ҳам чуқур мушоҳада ва идрок этишни талаб қилади. Бу вазифаларнинг аксарияти давлатимиз бошлиғининг қатор дастурий маърузалари ва фундаментал асарларида таърифлаб берилган, Ўзбекистон Республикасининг «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги амалдаги қонунида белгилаб қўйилган.

Юртбошимиз И.А. Каримов Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг ўн йиллигига бағишланган тантанали йиғилишда сўзлаган нутқида, шундай деган эдилар: «Шу борада, ҳеч шубҳасиз, маҳалла оқсоқоллари ва фаоллари кўмак-мададга мухтож бўлган инсонларни ёлғиз қолдирмасдан, уларнинг бошини силаб, бу одамларни ҳимоялаш учун, керак бўлса, давлат идоралари, мансабдорларнинг тинчини бузиб, тегишли ёрдам ва маблағни ундириб олиб, бугун қилаётган ишларининг самарасини янада кучайтирса, яъни маҳалла том маънода ота-оналик вазифасини ўтайдиган даражага етиб борса, биз кўп нарсага эришган, аҳолимизнинг розилигини олган бўламиз¹».

Демак, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг энг муҳим вазифаларидан бири кам таъминланган оилаларга самарали ижтимоий ёрдам беришни ташкил этишдан иборатдир. Албатта, бу ишнинг муваффақиятли амалга оширилиши маҳаллий давлат ҳокимияти органлари билан биргаликдагина таъминланиши мумкин. Эндиликда кам таъминланган оилаларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш учун давлат томонидан ажратилаётган маблағлар мақсадли ва самарали фойдаланилишини айнан маҳалла фуқаролар йиғинлари таъминламоқдалар. Бу ишда адолат принципи таъминланиши, ҳақиқатда мухтож оилаларга ёрдам кўрсатилиши жуда муҳимдир. Одамларга нисбатан адолатсизлик қилиш билан боғлиқ ҳар бир ҳолат фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг, умуман маҳалланинг обрўсига сезиларли даражада путур етказиши турган гап.

Ўзбекистон давлат мустақиллигига эришилганидан кейингина халқимизда кўп асрлик маънавий-ахлоқий қадриятларни тиклаш, миллий маданият сарчашмаларидан эмин-эркин баҳраманд бўлиш, бой тарихий меросимиздаги жамики яхши нарсаларни ўрганиш ва кўпайтириш имконияти пайдо бўлди. Шарқ маданияти ютуқларини, аجدодларимизнинг маданий ва маънавий меросини чуқур ва атрофлича идрок этиш ўзлигимизни яхшироқ англашга, ёшларимизни ватанпарварлик руҳида тарбиялашга ёрдам бермоқда. Ўзбек халқининг энг яхши анъаналари ва одатларини тиклаш, миллий онгни шакллантириш, фуқароларнинг маънавиятини юксалтириш юзасидан энг аввало, маҳаллаларда изчил иш олиб борилиши керак.

Шу билан бир қаторда маҳаллаларда тўйлар, оилавий маросим ва тадбирларни ўтказишнинг дабдабозликка асосланган салбий жиҳатларини таг-томири билан йўқотишга қаратилган ишлар мунтазам олиб борилмоғи зарур. Ўз вақтида Ўзбекистон Республикаси Президентининг тегишли фармони² чиқарилганлигига қарамай, жойларда ҳамон бизнинг асл миллий қадриятларимизга зид тарзда тўй ва маросимларни базми жамшидларга айлантириб юбориш, ортиқча дабдабозлик ва исрофгарчиликларга йўл қўйиш ҳоллари давом этмоқда.

Бу ишда баъзи жойларда илдиз ота бошлаган ва ҳақи равишда аҳолининг ҳайрат-таажжубига, кўпинча эса, нафратига сабаб бўлаётган кимўзарлик, манманлик, ўзини кўз-кўз қилиш ҳолларига барҳам бериш фурсати келди. Тўй-тантана ва бошқа тадбирларни камтарона ўтказиш бу инсоннинг юксак ахлоқийлиги, маънавияти ва маданиятидан дарак беради. Бу фикрни ҳамма жойда ва ҳамиша одамлар онгига сингдириб боришимиз керак. Ва бу ишга баобрў маҳалладошларни, уруш ва меҳнат фахрийларини, жамоат ташкилотларининг фаолларини жалб этиш зарур.

Жамиятимизда тинчлик, тотувлик ва барқарорликни таъминлаш бугунги кунда маҳалла ахллари олдида турган муҳим вазифалардан биридир. Маълумки, диний ақидапарастлик ва сиёсий экстремизм бизнинг хотиржамлигамизга жиддий таҳдиддир. Бу балога қарши фақат биргаликда, ҳамжиҳатлик билан кураш олиб бориш мумкин. Шу боис профилактика тадбирларини ўтказишда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга аҳоли ҳар томонлама ёрдам кўрсатиши зарур. «Маҳалла посбонлари» дружиналарининг фаоллари жойларда, албатта фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг, милиция ходимларининг фаол кўмагада ишни янада самаралироқ йўлга қўйишини жуда-жуда истардик.

Аҳолининг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятининг устувор йўналишларидан бири бўлмоғи лозим. Биз энг муҳим принципи қонун устунлиги бўлган ҳуқуқий фуқаролик жамияти барпо этмоқдамиз. Шу

¹ Каримов И.А. Ҳаётимизнинг, тараққиётимизнинг ҳуқуқий асоси. Халқ сўзи. 2002 6-декабр.

² Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1948 йил 28 октябрдаги Фармони. Маҳалла: ўзини ўзи бошқариш

сабабли барча давлат ва жамоат тузилмалари ялпи ҳуқуқий саводхонлик ҳаракатини ташкил этиш, мамлакатимиз қонунларини аҳолининг онги ва шуурига етказиш масалаларига кўпроқ эътибор қаратиши зарур. Бунинг учун тегишли мавзуларда маърузалар қилишга олимлар ва олий ўқув юртларининг ўқитувчиларини, амалиётчи юристлар ва бошқа мутахассисларни фаолроқ жалб этиш мақсадга мувофиқдир. Кенг кўламдаги мафкуравий ва маърифий ишларни ташкил этишга четдан таклиф қилинадиган мутахассислар қатори маҳаллий фаолларни ҳам кўпроқ жалб этавериш керак. Олдиндан оққан сувнинг қадрини йўқ деганларидек, негадир биз ҳар бир маҳалланинг ўзида чуқур маълумотли, илмий даражали кишилар борлигини, улар тегишли мавзуда лекция ўқиши ёки суҳбат ўтказиши мумкин эканлигини кўпинча унутиб қўямиз. Маҳалла аҳли бундай кишиларни яхши билиши ва уларга ишонишида гап кўп.

Маҳаллаларда ана шу қудратли захирадан - шундоқкина ёнимиздаги катта интеллектуал, маънавий салоҳиятдан дадилроқ ва кенгроқ фойдаланиш ҳозирги кунда айниқса зарур. Фуқароларнинг маҳалла ижтимоий турмушидаги ташаббускорлиги ва фаол иштирокига доир мисоллар эса кўп. Хусусан, Тошкент шаҳрининг Яккасарой туманидаги «Конституция» маҳалласи (йиғин раиси - Комилжон Муҳаммадиев) ўз кучи билан кутубхона ташкил этди, кутубхонага шоир Рамз Бобожон ва бошқа маҳалладошлар ўз китобларини тақдим этдилар. Бундай кутубхона пойтахтимизнинг Акмал Икромов туманидаги «Ўрикзор» маҳалласида ҳам ташкил бўлди. Фуқаролар йиғинига Раҳим Нодиров раислик қилаётган мазкур маҳаллада кутубхона фонди аҳоли томонидан муттасил тўлдириб борилаётганлиги боис бугунги кунда китоблар сони беш мингга яқинлашиб қолди¹.

Бир қанча маҳаллаларда ёшларни мустақиллик ва ватанпарварлик ғояларига садоқат руҳида тарбиялашга, тадбиркорликни ривожлантиришга катта эътибор берилмоқда. Шу маънода Навоий вилоятининг Кармана туманидаги Раҳима Комилова бош бўлиб турган «Дехқон» маҳалласи фуқаролар йиғинини алоҳида таъкидлаш ўринлидир. Тошкентдаги Мирзо Ғолиб номи маҳалла фуқаролар йиғини раҳбари Дилобар Мирбобоев ва ходимлари шаънига ҳам илиқ сўзларни айтиш мумкин². Бу ерда аҳолининг маънавияти, сиёсий маданиятини оширишга алоҳида эътибор берилмоқда ва шу йўл билан кенг жамоатчиликнинг эътибори қозонилмоқда. «Маҳалла» республика хайрия жамғармаси фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг ана шундай иш тажрибаларини ҳар тарафлама тарғиб қилиши ва кенг оммалаштириши мақсадга мувофиқдир.

Шаҳарча, қишлоқ, овул ва шаҳардаги маҳалла фуқаролар йиғинининг энг муҳим

ҳуқуқий фаолияти (қонунчилик ва меъёрий ҳужжатлар тўплами). –Т.: 1999. 177-178-б.

¹ Ҳалилов Э.Х. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларини шакллантириш ва мамлакат тараққиётининг ҳозирги босқичида уларнинг ролини ошириш. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига сайловга тайёргарлик кўриш ва сайлов ўтказишга доир республика семинар-кенгашининг материалларидан. –Т.: 2003. 7-8-б.

² Ўша жойда.

ваколатларидан бири қонунлар ва қонун ҳужжатлари ижроси устидан жамоатчилик назоратини амалга оширишдир. Афсуски, «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги қонунда қайд этилган ана шу норма амалда ишламаяпти ҳисоб.

Бу йўналишдаги ишларни жонлантириши амалдаги қонун ҳужжатларига риоя этилиши устидан фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг таъсирчан жамоатчилик назоратини йўлга қўйиш даркор. Буни, хусусан, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолияти соҳасига кирадиган масалалар юзасидан шаҳар, туман, вилоят ҳокимликлари раҳбарларининг ҳисоботларини эшитиш йўли билан амалга ошириш яхши самара беради. Атроф муҳитни муҳофаза қилиш ва аҳоли пунктларини ободонлаштириш, фуқароларни ишга жойлаштириш, янги иш жойларини яратиш, аҳолини тоза ичимлик суви ва табиий газ билан таъминлаш масалалари, шунингдек бошқа долзарб масалалар юзасидан ўз ваколатлари доирасида тегишли ҳудуддаги корхоналар, муассасалар, ташкилотлар раҳбарларининг ҳисоботларини эшитиб бориш йўли билан жамоатчилик назоратини амалга ошириш шаклидан ҳам дадилроқ фойдаланиш керак.

Фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг бутун қўп қиррали фаолияти марказида инсон, унинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатлари туриши лозим. Мамлакатимизда ўтказилаётган ислохотлар шунчаки тадбир эмас, улар энг аввало халқнинг турмушини яхшилашга қаратилган мақсаддир. Ҳаётимиздаги барча ўзгаришлар ягона олий мақсадни - ҳар бир инсоннинг турмушини яхшироқ, муносиброқ, маънавий жихатдан бойроқ қилиш мақсадини кўзлайди. Биз ҳар ким ўзлигини тўла намоён этиши учун, ўз олдига қўйган мақсадларга эришиши учун тенг имкониятларни ишончли тарзда қафолатлайдиган давлат ҳуқуқий тизимини яратиш йўлида барча ишни қилишимиз шарт. Мамлакатимизнинг ҳалол меҳнат қилаётган ҳар бир фуқароси ўз оиласини муносиб равишда таъминлаш, маълумот олиш, тиббий хизматдан фойдаланиш имкониятига эга бўлиши керак. Ҳар бир кишининг жамиятдаги мавқеи аввало унинг ният-иродасига ва меҳнат қилиш қобилиятига қўра белгиланади.

Мамлакатимизни модернизация қилиш борасида узоқни кўзлаётган “Кучли давлатдан – кучли фуқаролик жамияти сари”, деган тамойилини ҳаётга тадбиқ этиш борасида “ўзини ўзи бошқариш органлари – маҳалла, маҳалла қўмиталари ва қишлоқ фуқаролик йиғинларининг роли ҳамда ваколатларни амалда кучайтириш лозим”¹.

¹ Каримов И.А. Бизнинг бош мақсадимиз-жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир. –Т.: «Ўзбекистон», 2005. 39-б.

II.2. ФУҚАРОЛАРНИНГ ЎЗИНИ ЎЗИ БОШҚАРИШ ОРГАНЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ ДАВЛАТ ТОМОНИДАН ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ВА УЛАРНИНГ ВАКОЛАТЛАРИНИ КЕНГАЙТИРИШ

Мамлакатимизда ҳар йилга маълум бир ном бериш анъанага айланиб қолди. Мустақиллик йилларининг ҳар бир йили халқимизнинг фаровонлигини оширишга ва инсон омилига катта эътибор қаратилганлигини кўрсатиб турибди. Ўзбекистон Конституциясининг 10 йиллигига бағишланган тантанали йиғилишда Республикамиз Президенти Ислон Каримов томонидан 2003 йил - «Обод маҳалла йили» деб эълон қилинди ва давлат дастури қабул қилинди¹. Бу ҳам дунё бўйича ноёб тизим ҳисобланган маҳаллаларга бўлган юксак ишонч ва эътиборнинг яна бир ёрқин далилидир.

Маҳалла миллатнинг мустаҳкам қўрғони бўлиб, унинг тинчлик ва осойишталикка, ёш авлоднинг маънан ва руҳан баркамол, жисмонан бақувват бўлиб вояга етишига қўшаётган ҳиссаси беқиёсдир. Халқимиз азал-азалдан иймон-эътиқод ва эртанги кунга ишонч билан қараб, яхшилик сари интилиб яшайди. Маҳалла эса тарихан тарбия маскани ҳисобланиб келади. Ота-онанинг азиз ва муқаддас эканлиги, кичикларнинг катталар олдда ҳамиша одоб сақлаши, ҳар қандай шароитда ҳам ҳурмат ва эътиборнинг сақланиб қолиниши оиладаги, қолаверса маҳалладаги тарбиядан бошланган.

Биз демократия ва юксак тараққиёт томон одимлар эканмиз, бу йўлдаги қадамларимиз дадил, залворли, айна пайтда ишончли эканини гувоҳи бўлиб турибмиз. Маълумки, чинакам демократик давлатда шахс эркинлиги устувор, унинг ҳуқуқдари қонунлар орқали ҳимояланади. Шу боисдан ҳам юртимизда демократияни қарор топтиришга қизгин киришилиб, унинг иқтисодий, ижтимоий ва сиёсий заминлари яратилаётир.

Конституция қабул қилинганидан кейинги ўтган давр ичида юртимизда юзлаб янги қонунлар ишлаб чиқилди ва ҳаётга жорий этилди. Шулардан бири «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги қонундир. Маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари эндиликда ушбу зарурий ҳужжатга асосланган ҳолда фаолият кўрсатиб, миллий анъаналаримиз ва менталитетимизнинг такомиллашган йўлидан бормоқда. Таъкидлаш лозимки, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига дахлдор моддалар Ўзбекистон Конституциясининг ҳам алоҳида бўлимига киритилган. Асосий қонуннинг 105-моддасида «Шаҳарча, қишлоқ ва овулларда, шунингдек улар таркибидаги маҳаллаларда ҳамда шаҳарлардаги маҳаллаларда фуқароларнинг йиғинлари ўзини ўзи бошқариш органлари

¹ Каримов И.А. Ҳаётимизнинг, тараққиётимизнинг ҳуқуқий асоси «Халқ сўзи», 2002. 6-декабр; Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Обод маҳалла йили» дастури тўғрисидаги 2003 йил 7 февралдаги

бўлиб, улар икки ярим йил муддатга раисни (оқсоколни) ва унинг маслаҳатчиларини сайлайди. Ўзини ўзи бошқариш органларини сайлаш тартиби, фаолиятини ташкил этиш камда ваколат доираси қонун билан белгиланади» дейилган.

Агар масалага кенгроқ ёндашадиган бўлсак, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш ҳаёти ва фаолиятига оид модданинг Ўзбекистон Конституциясига киритилишининг ўзиёқ маҳаллага катта ишонч ва эътибор қаратилаётганининг исботидир. Бу бой анъаналаримизни, ўзига хос урф-одатларимизни ва ҳавас қилгулик ўзбекона ғазилатларимизни маҳалла фаолияти асосида тиклаш ҳамда раванқ топтириш имкониятини яратади.

Маҳаллада истиқомат қилаётган аҳоли ихтиёрийлик асосида, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқаришнинг бўғин органларини шакллантиради ва уларнинг раҳбар органларини сайлайди. Маҳалла, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг фаолиятини ташкил қилиш масалалари, улар давлат бошқаруви тизимидан ажратилганлиги, юридик шахс мақомига эга эканлиги, ўз ҳудудидаги масалалар бўйича мустақил, эркин қарорлар қабул қилиш ҳуқуқлари Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларда қаролатланган.

«Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги қонунда фуқаролар йиғини кенгашининг ваколатлари аниқ-равшан белгилаб берилган. У - ташкилий ишлар билан бир қаторда оммавий-сиёсий, маънавий-маърифий, маданий, спорт тадбирларини ва бошқа тадбирларни ўтказишда маҳаллий ҳокимият органларига кўмаклашади. Шу ўринда, маҳалла фуқаролар йиғинларининг бошқа жамоат ташкилотлари билан биргаликда оилаларнинг мустаҳкамлиги, барқарорлигини таъминлашдаги, ёшлар тарбиясидаги, ёлғиз кексалар, ногиронлар, кўп болали оилалар, боқувчисиз қолган аёлларни ижтимоий ҳимоя қилишдаги самарали хизматларини алоҳида кўрсатиш лозим. Айнан уларнинг беминнат хизматлари, оилалар ўртасида олиб бораётган маънавий-маърифий йўналишдаги саъй-ҳаракатлари туфайли республикамызда бу ишлар ўзининг ижобий самарасини бермокда. Лекин кўп ҳолларда юқорида айтиб ўтилган соҳаларда муаммолар ҳам мавжуд. Жумладан, жойлардаги кўп болали, кам таъминланган ва бошқа ижтимоий ҳимояга муҳтож бўлган шахсларни қўллаб-қувватлаш ишлари барча маҳаллаларда ҳам талабга жавоб беради, дейиш қийн. Ижтимоий муҳофаза тизими орқали берилаётган ёрдам, энг аввало, аниқ ва манзилли бўлиши керак ҳамда тезкорлик, адолат, ошқоралик тамойилларига қатъий риоя этган ҳолда берилиши керак.

Шу билан бирга маҳаллаларда ёшлар, айниқса қизлар, ёш оилалар ўртасида олиб борилаётган ишларда ҳам камчиликлар мавжуд. Ёшлар-да билимга, илмга қизиқишни уйғотиш, уларда боқимандалик кайфиятларини бартараф этиш, кейинги пайтларда учраб турган турли салбий оқимлардан ёшларни ҳимоя қилиш - бу маҳалла фуқаролар йиғинлари

фаолиятидаги асосий устувор йўналишлардан бири бўлиши лозим.

Республикамизда ташкил топган ёшларнинг «Камолот» ижтимоий ҳаракатига ва маҳалла фуқаролар йиғинида тузилаётган хотин-қизлар ва ёшлар билан ишлаш комиссияларига умид катта. Шунингдек давлат ҳокимияти органлари ва маҳалла фуқаролар йиғинлари зиммасига юклатилган вазифаларга аниқлик киритиш ва ҳокимликнинг айрим ваколатларини маҳаллага босқичма-босқич топширилиши бугунги кун талабидир.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг ваколатларини кенгайтириш борасида Республика Президентининг ушбу масалага алоқадор бўлган Фармонлари, ҳукумат қарорларида белгилаб берилган вазифаларни ўз вақтида ва сифатли бажариш фуқаролар йиғини раисларига юклатилади

Фуқароларнинг ижтимоий таъминотини тўлалигича ташкил қилиш, уй-жой ширкатларини тузиш масалаларида ҳам фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига кўпроқ ҳуқуқ берилиши лозим. Шу билан бирга маҳаллалар ҳудудида танчилик-осойишталикни сақлаш, оилалар барқарорлигини таъминлашда ҳуқуқ-тартибот органлари билан ҳамкорлик фаолиятини ҳам кучайтириш лозим. Фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари маҳаллалардаги ишсизлар рўйхатини тузиш ва иш билан таъминлаш масаласини ҳал этишда етакчи куч бўлишлари зарур.

Ушбу вазифалар билан бир қаторда:

Биринчидан, қонунлар Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармонлари, ҳукумат қарорларининг жойларда бажарилишини ташкил қилиш;

Иккинчидан, аҳоли истиқомат қиладиган жойларнинг санитария-эпидемиология ҳолатини яхшилаш, санитария қонуни талабларини бажариш борасида маҳалла ҳудудида жойлашган корхоналар, муассасалар, савдо-сотиқ шаҳобчалари фаолиятини яхшилаш чораларини кўриш;

Учинчидан, коммунал хизматлар учун ҳақ йиғишда мутасаддилик қилиш;

Тўртинчидан, маданий-маърифий йўналишдаги тадбирларни ташкил қилиш;

Бешинчидан, маҳаллаларда ёш оилаларга фарзанд тарбиясида амалий ёрдам кўрсатиш;

Олтинчидан, ҳар бир маҳаллада оддий спорт комплексларини қуриш каби масалалар фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан ҳал қилинадиган масалалар сирасига киради.

«Обод маҳалла йили» дастурининг маҳаллаларда тадбиркорликни кучайтириш, хизматлар ва савдо соҳасини ривожлантириш ҳамда кичик бизнес соҳаси орқали янги иш ўринлари барпо этиш бўйича қуйдаги тадбирлар амалга оширилди.

Маҳалла аҳолисининг тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш учун вилоятларда кредит уюшмалари тармоқларини ташкил этиш борасида республикамиз молиявий бозорида

13 та кредит уюшмаси фаолият кўрсатмоқда. Маҳаллаларда кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш учун тижорат банкларининг кредит линиялари орқали 32540,2 млн сўмлик кредит ажратилди. Шунингдек, иш билан таъминлашга кўмаклашиш давлат жамғармасидан 7276 та иш ўринлари яратиш учун 7194,0 млн сўм, оилавий тадбиркорликни ривожлантириш мақсадида 2176 та кам таъминланган оилага 1.545.0 млн сўм маблағ ажратилди, 5496 та маҳалла ҳудудида кичик ва ўрта бизнес соҳасида жами 139032 та янги иш ўринлари яратилди. Жумладан, кичик корхоналар ташкил этиш ҳисобига 54352 та, якка тартибдаги тадбиркорликни ривожлантириш ҳисобига 53073 та, деҳқон ва фермер хўжаликларини ривожлантириш ҳисобига 26010 та, оилавий бизнесни ва касаначилик меҳнатини ташкил этиш ҳисобига 5597 та иш ўринлари яратилди. Маҳаллалар ҳудудида маиший хизмат марказининг жами 812 та шахобчаси ташкил этилиб, унинг натижасида 1066 та янги иш ўринлари ташкил этилди¹.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг фаолиятини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш ва уларнинг ваколатларини кенгайтириш йўлида “ҳокимият ваколатларининг маълум бир қисмини марказдан маҳаллий ҳокимият органларига ўтказишга қаратилган мавжуд қонун ва ҳуқуқий ҳужжатларни бир тизимга келтириш ва уларга қўшимча тарзда янгиларини ишлаб чиқиш”² алоҳида аҳамият касб этади.

¹ қаранг: /уломова Д. Фуқароларни ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш ва уларнинг ваколатларини кенгайтириш тўғрисида. Фуқароларни ўзини ўзи бошқариш органларига сайловга тайёргарлик кўриш ва сайловни ўтказишга доир республика семинар кенгашининг материаллари. -Т.: 2003. 22-б.

² Каримов И.А. Бизнинг бош мақсадимиз - жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модеризация ва ислоҳ этишдир. –Т.: «Ўзбекистон», 2005. 39-б.

II.3 ФУҚАРОЛАР ЙИҒИНИ РАИСИ (ОҚСОҚОЛИ) ВА УНИНГ МАСЛАХАТЧИЛАРИ САЙЛОВИНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг XIV сессиясида 2004 йил апрелда “фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва ўнинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида”ги қонуннинг қабул қилиниши халқимизнинг хоҳиш-иродасига айнан мос тушади. Чунки, бошқарув тизимида халққа яқин туришда бу бўғинга тенг келадигани йўқ.

Фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг ижтимоий турмушдаги роли ва аҳамияти Ўзбекистон Президенти И.А.Каримов томонидан бир неча бор таъкидланганлиги, ҳам бежиз эмас. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 11 йиллигига бағишланган тантанали йиғилишда давлатимиз бошлиғи «фуқаролар йиғинлари раислари ва маслаҳатчиларининг ўрни ва фаолиятини қонуний нуқтаи назардан янада мустаҳкамлаш мақсадида уларнинг сайлаш мақсадида қонун қабул қилиниши керак»¹ дедилар.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг бугунги кундаги фаолияти уларнинг иш тажрибаси ижтимоий-сиёсий ҳаётимизнинг барча жабҳаларида демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш, маҳаллий ўзини ўзи бошқариш тизимини ҳуқуқий асослари янада такомиллаштириш заруратини келтириб чиқарди.

Эркин ва демократик сайловларсиз ҳуқуқий давлат ва адолатли фуқаролик жамияти қуришни тасаввур этиб бўлмайди. "Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида"ги қонун бошқарувнинг бу тизимига сайлов чинакам демократик эркин бўлишини таъминлаш, фуқароларнинг сайлаш ва сайланиш ҳуқуқини янада аниқроқ белгилаб қўйиш, фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчиларини сайланши ташкил этиш ва ўтказиш муносабатларини таршбга солиш қонуннинг асосий мақсадидир.

Ушбу қонун мамлакатимизда демократик жараёнларни янада чуқурлаштиришда ва улкан аҳамиятга молик муҳим ижтимоий-сиёсий тадбирни юқори даражага кўтаришга йўналтирилган.

«Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида»ги қонун ҳам халқаро қонунчилик ва ҳам миллий қонунчилигимиз тарихида дастлабки тажрибадир.

Маълумки, маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органи - маҳалла тарихи бир неча минг йилларга бориб тақалса-да, фақат мустақиллик давридагина унинг аҳамияти ва моҳияти юксак кадрлана бошланди. Маҳаллалар, фуқароларининг ўзини ўзи бошқариш органлари

¹ Каримов И.А. Конституция – юртимизда янги ҳаёт, янги жамият барпо этишнинг ҳуқуқий пойдевори. Халқ сўзи, 2003. 6-декабр.

фаолиятига мустақиллик берилди, уларнинг таракқиёти таъминланди, келажаги кафолатланди.

Фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари. маҳаллалар фаолиятини ҳуқуқий тартибга солувчи юридик негиз, тегишли қонунчилик ҳам айна шу истиқлол шарофати туфайли яратилди ва изчил мукаммалаштириб борилмоқда. Собиқ шўролар даврида маҳалла фаолияти XX асрнинг 60-йилларида тасдиқланган биргина Низом билан тартибга солинарди, холос.

Маҳалалар фаолиятини янала мустаҳкамлаш ва изчил ривожланширининг ҳуқуқий асосини таъминлашга қаратилган махсус қонун – «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг қабул қилиниши юқорида зикр этилган конституциявий қоидаларни ҳаётга кенг тадбиқ этиш йўлида муҳим аҳамият касб этади.

Шунга қадар амалдаги қонунчиликда фуқаролар йиғини раиси (оқсоқол) ва унинг маслаҳатчилари сайловини ташкил этиш ҳамда ўтказишга доир муносабатларни тартибга солувчи конкрет қоидалар, аниқ меъёрлар мавжуд эмаслигини қайд этиш лозимдир.

Бу қонунга қадар ушбу жараён ҳар икки ярим йилда - сайловлар арафасида Олий Мажлис Кенгаши қабул қиладиган махсус қарор асосида на 2001 йили тасдиқланган намунавий Низом билан тартибга солиб келинар эди. Худди ана шу шарт–шароит йиллар давомида бу борада тўпланган ибратли тажрибалар фуқаролар йиғинларига ўтадиган сайловларни тартабга солувчи алоҳида қонун яратиш заруратини кун тартибига қўйди.

қолаверса, демократия дарсхонаси бўлмиш маҳаллалар, фуқаролар йиғинлари сайловларининг ўта кенг миқёсда ўтиши ҳамда мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётида муҳим аҳамият касб этиши ҳам шуни тақозо этаётганди.

қонун ҳажми жиҳатдан унча катта эмас, бешта боб ва 31 та моддадан иборат.

Биринчи боби еттита моддадан ташкил топган умумий қоидаларни ўзида бирлаштиради. Бунда, аввало. қонуннинг мақсади, фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисидаги қонун ҳужжатлари тўғрисида тушунча берилган (биринчи ва иккинчи моддалар).

қонуннинг 3-моддаси ушбу сайловнинг асосий принципларига бағишланган. Унга кўра, фуқаролар йиғини раиси оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови демократизм, ошкоралик ва тенг сайлов ҳуқуқи асосида ўтазилади. Фуқароларнинг сайловда иштироки ихтиёрий ҳамда эркиндир (тўртинчи модда). Сайловни ташкил этиш ҳамда ўтказиш очик ва ошқора амалга оширилади (бешинчи модда).

6-моддасида Конституциянинг 105-моддасидаги ҳамда "Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида"ги қонуннинг 20-моддасидаги мустаҳкамлаб қўйилганини

кўриш мумкин. Яъни "Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари фуқаролар йиғиши томонидан қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда эса фуқаролар вакиллари йиғилиш томонидан 2,5 йил муддатга сайланадилар".

қонунда сайловларни ташкил этиш ҳамда ўтказиш давлат томонидан қўллаб-қувватланиши белгиланмаган. Хусусан, 7-моддада: "махаллий давлат ҳокимияти ҳамда бошқарув органлари фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайловини ташкил этиш ҳамда ўтказишда фуқаролар йиғинларига кўмаклашишлари, зарур ҳолларда уларни бинолар, транспорт ва алоқа воситалари билан таъминлашлари шарт", - деб қайд ўтилган.

қонуннинг иккинчи боби "Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайловини ташкил этиш деб номланган.

Мазкур боб олтита (8 13 моддалар) моддадан иборат бўлиб, уларда сайловни ўтказиш муддатлари, сайловни ташкил этиш ҳамда ўтказишга кўмаклашувчи комиссияларни тузиш, ушбу комиссияларнинг ваколатлари, сайлов ўтказиш учун фуқаролар йиғинини (вакиллар йиғилишини) чақириш тартиб-қоидалари мустаҳкамлаб қўйилган.

"Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари вазифасига номзодлар кўрсатиш" деб аталувчи учинчи бобда раис (оқсоқол) вазифасига номзодлар кўрсатиш (14-модда), бу номзодларга қўйиладиган талаблар (15-модда), раис (оқсоқол) маслаҳатчиларининг микдорий таркибини белгилаш (16-модда), маслаҳатчилар вазифасига номзодлар тақдим этиш (17-модда) билан боғлиқ масалалар қамраб олинган.

Ушбу бобдаги қоидаларда белгиланганидек, фуқаролар йиғини раиси (ОқСОқОЛИ) вазифасига номзодлар, қоида тариқасида, олий маълумотли бўлиши ва сайлов кунигача тегишли ҳудудда доимий яшаган бўлиши, шунингдек ташкилотчилик қобилиятига, ҳаётий тажрибага ва аҳоли ўртасида обрў-эътиборга эга бўлиши керак.

Раис (оқсоқол) маслаҳатчиларининг микдорий таркиби ҳовлилар, уйлар, кўчалар, маҳаллалар, мавзелар ва даҳалардан вакилликни ҳисобга олган ҳолда фуқаролар йиғини томонидан белгиланади.

Маслаҳатчи вазифасига номзодлар фуқаролар йиғини кўриб чиқиши учун фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) томонидан тақдим этилади.

қонуннинг тўртинчи боби фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайловида овоз бериш ҳамда натижаларни аниқлаш масалаларига бағишланган.

Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчиларини сайлаш очик ёки яширин овоз бериш орқали амалга оширилади. Овоз бериш шакли тўғрисидаги қарор фуқаролар йиғини томонидан очик овоз бериш орқали қабул қилинади (18-модда).

Сайлов бўйича овоз бериш натижаларини аниқлаш учун фуқаролар йиғини томонидан камида уч нафар кишидан иборат таркибда санок комиссияси очик овоз бериш орқали сайланади (19-модда).

қонун очик овоз беришни ўтказиш тартиби (20-модда) ва яширин овоз беришни ўтказиш тартиби (21-модда) алоҳида моддаларда аниқ баён этилган.

Овоз бериш очик ёки яширин ўтказилганида санок комиссияси томонидан фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ёки унинг масхалатчилари вазифасига ҳар бир номзод бўйича овозлар санаб чиқилади (22-модда).

Овозларни санаш натижаларн бўйича санок комиссияси томонидан баённома тузилади. қонуннинг 23-моддасида ушбу баённомада кўрсатилиши шарт бўлган маълумотлар рўйхати батафсил санаб ўтилган.

Фуқаролар йиғинида иштирок этган шахсларнинг ярмидан кўпининг овозини олган номзод фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ёки унинг маслаҳатчиси вазифасига сайланган ҳисобланади. Сайлов якунлари фуқаролар йиғинида раислик қилувчи томонидан ўқиб эшиттирилади. Фуқаролар йиғини баённомаси икки нусхада тузилиб, битта нусхаси сайлов якунларини умумлаштириш учун тегишли туман ёки шаҳар комиссиясига тақдим этилади (24-модда).

қонунда белгиланган қоидага кўра, агар фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ёки унинг маслаҳатчилари сайловида фуқаролар йиғинида иштирок этувчилар рўйхатига киритилган фуқароларнинг ярмидан ками иштирок этган бўлса, сайлов ўтмаган деб топилади (25-модда).

Шунингдек, сайлов ҳақиқий эмас деб, топилиши ҳам мумкин. Бунга сайлов чоғида йўл қўйилиб, оқибат натижада овоз бериш якунларига таъсир қилган қоидабузарлик сабаб бўлади (25-модда).

қонунда сайловда такрорий овоз бериш (26-модда) ва такрорий сайлов (27-модда) ҳақида алоҳида моддаларда аниқ тушунча берилган. Ана шу икки ҳуқуқий жараёни, аввало, бир-биридан фарқлаш, энг муҳими, уларни тўғрив амалда татбиқ этиш учун имконият яратади.

қонунда бўшаб қолган ўринларга сайлов ўтказиш масаласи ҳам кўзда тутилган. Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ёки маслаҳатчисининг ваколатлари муддатидан олдин тўхтатилаган бўлса, тегишли фуқаролар йиғинларида ушбу қонданинг талабларша риоя этган ҳолла янги сайлов ўтказилади.

Бешинчи бобда якуний қоидалар жамланган. Сайлов натижалари асосида фуқаролар йиғини органларини шакллаштириш масаласи шулар жумласидандир. қонунга мувофиқ сайлов натижалари асосида фуқаролар йиғини қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда

фуқаролар йиғини кенгашини шакллантиради, фуқаролар йиғини фаолиятининг асосий йўналишлари бўйича комиссиялари ва фуқаролар йиғини тафтиш комиссиясини, шунингдек маъмурий комиссияни сайлайди (29-модда).

Бундан ташқари якуний қонунларда фуқаролар йиғинининг тегишли сайлов натижалари хусусилаги қарори устидан судга шикоят қилиниши мумкинлиги (30-модда), шунингдек, мазкур сайлов тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганликда айбдор шахсларнинг қонунда белгиланган тартибда жавобгар эканлиги кўзда тутилган (31 -модда).

II.4. ФУҚАРОЛАРНИ ЎЗИНИ ЎЗИ БОШҚАРИШ ОРГАНЛАРИГА БЎЛИБ ЎТГАН СЎНГГИ САЙЛОВЛАР

Фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари ваколат муддати тугаши муносабати билан, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 105–моддаси ҳамда “Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида”ги қонуннинг 20-моддасига мувофиқ 2003 йилнинг ноябрь – декабрь ойларида мамлакатимизда ҳамма жойда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига сайлов ўтказилди.

Сайловни ташкилий - сиёсий жиҳатдан юксак савияда ўтказиш мақсадида тегишли тайёргарлик ишлар амалга оширилди ҳамда сайлов компаниясининг зарур норматив базаси таъминланди.

Олий Мажлис Кенгаши 2003 йил 6 октябрда “Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига сайлов ўтказишни ташкил этиш тўғрисида”ги қарор қабул қилиб, унда сайлов компаниясини такил этиш ва ўтказиш билан боғлиқ тадбирларнинг комплекс режасини тасдиқлади¹. Барча туман ва шаҳарлар ҳокимларга фуқаролар йиғинларини ўтказишга тайёргарлик кўриш ва уларни ўтказишда, ташкилотчилик қобилиятига ҳамда аҳоли ўртасида юқори обрў-эътибор ва ҳурматга эга, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари олдида турган вазифаларни, шу жумладан, мазкур органга давлат ҳокимияти органлари ваколатларининг бир қисми босқичма-босқич ўтказилиши муносабати билан боғлиқ вазифаларни ҳал этишга қодир шахслар орасида фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари вазифасига номзодлар танлашда кўмаклашиш тавсия этилди.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишга бағишлаб, 2003 йил 31 октябрь куни Олий Мажлисида республика семинар - кенгаши ўтказилди.² Унда шаҳарча, қишлоқ, овул, маҳалла фуқаролар йиғинларининг раислари, вилоят, туман ва шаҳар ҳокимларининг ўринбосарлари, вазирликлар, идоралар, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, жамоат бирлашмалари, оммавий ахборот воситалари вакиллари ҳамда Олий Мажлис депутатлари иштирок этдилар. қорақалпоғистон Республикаси, барча вилоятлар ва Тошкент шаҳрида ҳам шундай семинарлар бўдиб ўтди. Бу семинар - кенгашларда бўлажак сайлов билан боғлиқ вазифалар атрофича муҳокама этилиб, қўйилган масалалар ҳамда фуқаролар йиғинларининг иш тажрибаси юзасидан кенг кўламда фикр алмашилди. Шунингдек, фуқароларни ўзини ўзи бошқариш органлари аҳоли кенг қатламларини ижтимоий турмушнинг барча соҳасида ислоҳ қилиш жараёнига имкон қадар

¹ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Ахборотномаси. 2003. № 11, № 1-модда.

² қаранг: Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига сайловга тайёргарлик кўриш ва сайловни ўтказишга

кўпроқ жалб этишга, сайлов даврига фуқароларнинг хоҳиш-иродани эркин билдириш ҳуқуқини амалга оширишларига ҳар томонлама қўмаклашишлари лозим эканлиги таъкидланди. Алоҳида китобча шаклида 12 минг нусхада нашр этилган “Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида”ги қонун, шунингдек республика семинар - кенгашининг материаллари барча ҳокимликлар ва фуқаролар йиғинларига юборилди.

Сайлов ташкилотчиларига услубий ва амалий ёрдам кўрсатишга доир тадбирлар ўтказилди. Чунончи, фуқаролар йиғинлари раисларининг (оқсоқолларининг) ва улар маслаҳатчиларининг сайловини ўтказиш бўйича тавсиялар тайёрланди ва жойларга юборилди.

Олий Мажлисида оммавий ахборот воситалари раҳбарлари билан йиғилиш ўтказилиб, сайлов тадбирларини кенг ёритиш масалалари хусусида маслаҳатлашиб олинди. “Халқ сўзи”, “Народное слово”, “Маҳалла” ва бошқа газеталар саҳифаларида “Фуқароларни ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида”ги қонуннинг моҳиятини тушунтирувчи тавсиявий мақолалар эълон қилинди, газетхонларнинг йиғин раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг малаҳатчилари сайловига доир саволларга жавоб бериб борилди.

Бу муҳим ижтимоий-сиёсий кампанияда Олий Мажлис депутатлари, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларининг депутатлари фаол иштирок этдилар. Мамлакатда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ва демократик ислохотларнинг, амалдаги қонун ҳужжатларининг моҳиятини, фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайловида барча фуқароларнинг фаол иштирок этиши нақадар муҳимлигини тушунтириш юзасидан улар ўз сайлов округларида изчил иш олиб бордилар.

Олий Мажлис Котибиятининг масъул ходимлари сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишда Амалий ёрдам кўсатиш мақсадида жойларда бўлдилар.

Сайлов кампаниясини ташкилий жиҳатдан пухта таъминлашга доир чора-тадбирлар амалга оширилди. Хусусан, фуқароларни ўзини ўзи бошқариш органларига сайловни ташкил этиш ва уни ўтказишга қўмаклашувчи вилоят, туман ва шаҳар комиссияларини тузиш амалиётда тўла оқлади. Жойларда 206 та туман ва шаҳар комиссияси ҳамда 8360 та ишчи гуруҳи ташкил этилди.¹ Уларнинг фаолиятини тегишли ҳудудларда вилоят, туман ва шаҳар ҳокимлари мувофиқлаштириб борадилар.

Туман ва шаҳар комиссиялари ишчи гуруҳларининг таклифларини инобатга олган ҳолда ҳар бир туман ва шаҳарда олдиндан жадваллар тузиб, фуқаролар йиғинларини ўтказиш жойларини белгилаб қўйдилар. Улар фуқаролар йиғинларининг раиси (оқсоқоли) вазифасига баобрў, маълумотли, ташаббускор, ташкилотчилик қобилиятига эга, ижтимоий турмушнинг

доир республика семинар кенгашининг материаллари. –Т.: 2003. 92-б.

¹ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 2003 йилги жорий Архиви. –Т.: 2003.

барча соҳаларини эркинлаштириш шароитида ишлашга қадар муносиб номзодларни танлаш бўйича ката иш олиб бордилар.

Сайлов қаипанияси фуқароларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллиги остида ўтди. Сайловда жами 12 миллиондан ортиқ киши ёки мамлакатимиздаги катта ёшли аҳолининг қарийб 97 фоизи қатнашди (2001 йилда 85 фоиз эди). қорақалпоғистон Республикаси, Бухоро, Наманган, Тошкент, Фарғона ва қашқадарё вилоятларида бу кўрсаткич айниқса юқори бўлди.

Фуқаролар йиғинларининг жами 8360 раислари (оқсрқоллар) ва уларнинг 80 мингдан зиёд маслаҳатчилари сайланди. Фуқаролар йиғинлари раисларининг (оқсоқолларининг) ўтган давр мобайнида қилинган ишлар тўғрисидаги ҳисоботлари қизғин ва принципааллик билан муҳокама қилинди. Фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг ўз ваколатларини қонун ҳужжатларига мувофиқ ҳолда бажаришларига доир фаолияти таҳлил қилинди. Мавжуд камчиликларнинг сабаблари очиқ ташланиб, уларни бартараф этиш юзасидан аниқ чора-тадбирлар белгалаб берилди.

Сайлов фуқароларнинг сиёсий маданияти ва ҳуқуқий онги ўсганлигини, уларнинг юксак талабчанлиги ҳамда мавжуд камчиликларга мурасасизлигини номойиш этди. Чунончи, 35 та йиғинда кўрсатилган номзодлардан биронтаси ҳам сайланмади ва уларда қайта сайлов ўтказишга тўғри келди. 74 та йиғинда (Тошкент вилоятида – 19 та, Тошкент шаҳрида – 18 та ва Самарқанд вилоятида – 14 та) йиғин раҳбарларининг ўтган давр мобайнидаги иши қониқарсиз деб топилди ва мазкур йиғин раисларига ишончсизлик билдирилиб, улар қайта сайланиш учун тавсия этилмади.

Сайлов натижасида фуқаролар йиғинлари раҳбарларининг сифат таркиби яхшиланди. Номзодларнинг ишчи гуруҳлари томонидан олдиндан кўриб чиқилмаганлиги, фуқароларнинг улар тўғрисидаги фикр-мулоҳазалари ўрганилганлиги, уларга оид ҳужжатлар тегишли туман ва шаҳар комиссиясига тақдим этилиши кадрлар танлашда ижобий натижалар берди.

Фуқаролар йиғинларининг аксариятида сайлов муқобиллик асосида ўтказилди. Масалан, қорақалпоғистон Республикасининг Амударё, Тошкент шаҳрининг Юнусобод туманларида, Фарғона вилоятининг қўқон шаҳрида, қашқадарё вилоятининг Ўзор, Сурхондарё вилоятининг Шўрчи туманларида фуқаролар йиғини раислигига (оқсоқоллигига) бир ўринга тўрт нафардан номзод тавсия этилди. Шу зайл комиссиялар томонидан тавсия этилган 21306 нафар номзод орасидан 8360 нафар йиғин раиси сайланди. Бинобарин фуқаролар йиғин раҳбарлигига энг муносиб кишиларни сайлаш имконига эга бўлдилар.

Фуқаролар йиғинлари раҳбарларининг маълумот даражаси сезиларли ошди. Фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллар) орасида олий маълумотли кишилар 75,7 фоизга етди (2001 йили 73,2 фоиз эди). Улар асосан ўқитувчилар, иқтисодчилар, муҳанддислар ва агрономлардир. Ўрта махсус маълумотга эга бўлган оқсоқоллар сони 21,2 фоизни ташкил этди. Йиғин раислигига сайланганларнинг 49,1 фоизини раҳбарлик ишларида етарлича тажриба ортирган, ташкилотчилик қobiliятига эга 50 ёшгача бўлган кишилар ташкил этди. Бу борадаги нисбатан юқори кўрсаткичлар Жиззах вилоятининг Арнасон туманига (91,6 фоиз), қорақалпоғистон Республикасининг қораўзак туманига (88 фоиз), Навоий вилоятининг Зарафшон шаҳрига (84,6 фоиз), Хоразм вилоятининг Хазорасп туманига (82,3 фоиз) тўғри келади. Оқсоқолларнинг 10 фоизга яқинининг ёши 40 га ҳам бормаган кишилардир. Фуқаролар йиғинларининг раислигига сайланган аёлларнинг сони 8,7 фоизни ташкил этди (2001 йилда 8,4 фоиз эди). Ҳар бир тўрт оқсоқолдан бири бу вазифага илк бор сайланган¹.

Андижон вилоятининг кўрғонтепа, Бухоро вилоятининг қоровулбозор, Жиззах вилоятининг Арнасой ва Зафаробод, қашқадарё вилоятининг Чирокчи, қорақалпоғистон Республикасининг Тўртқўл, Бўзатов ва Кегейли туманларида йиғин раисларининг маълумотлилиқ даражаси жиҳатидан энг юқори кўрсаткичга (100 фоиз олий маълумотли) эришилди. Айни пайтда, таъкидлаш жоизки, Навоий, Сирдарё ва Тошкент вилоятлари комиссиялари кадрлар танлаш борасидаги етарлича иш олиб бормадилар. Натижада мазкур вилоятларда олий маълумотли ишни раислари сони 2001 йилга нисбатан камайиб кетди.

Йиғин раислари (оқсоқоллари) маслаҳатчиларининг 51,7 фоизи (2001 йили 54 фоиз эди) олий маълумотли, 27,4 фоизи ўрта махсус маълумотли бўлиб 23 фоизи аёллар (2001 йили 25 фоиз эди), 45,5 фоизи 50 ёшга тўлмаган кишилардир.

Бўлиб ўтган ҳисобот -сайлов йиғилишларида йиғинларнинг масъул котиблари ҳам тайинланди. Масъул котибларнинг 43,8 фоизи олий маълумотли бўлиб, 40 фоизи аёллар, 87,6 фоизи 50 ёшга тўлмаган кишилардир. Фаолиятнинг асосий йўналишлари бўйича комиссиялар тузилди ва уларнинг раҳбарлари сайланди².

Шундай қилиб, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига ўтказилган сайлов якунларига доир статистика маълумотлари ҳамда қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесидан, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликларидан олинган ахборотлар фуқаролар

¹ қаранг: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгашининг «Фуқароларни ўзини ўзи бошқариш органларига сайлов якунлари тўғрисида»ги 2004. 26-январдаги қарори.

² Ўша жойда.

томонидан йиғилишларда билдирилган фикр-мулоҳазалар, Олий Мажлис депутатлари ва парламет Котибияти масъул ходимларининг ахборотлари, оммавий ахборот воситаларида берилган материаллар таҳлили фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига бўлиб ўтган сайлов ижтимоий-сиёсий ва ташкилий жиҳатдан юқори савияда эркин ва демократик руҳда ўтди, деб хулоса қилиш имконини беради.

Айни пайтда шуни ҳам таъкидлаш лозимки, ҳамма фуқаролар йиғинларида ҳам сайлов амалдаги қонун ҳужжатлари талаблари асосида ўтди, деб бўлмайди. Чунончи, Олий Мажлисга сайлов даврида фуқаролардан 20 га яқин мурожаатлар келиб тушди. Мурожаатларда асосан ҳокимлик вакиллари томонидан фуқароларнинг хоҳиш-иродасини эркин ифода этишига тўсқинлик қилиш ҳолатлари содир этилаётганлигидан шикоят қилинган. Масалан, Тошкент шаҳар Чилонзор туманининг "3-Қатта Чилонзор" маҳалласи фуқарolari (70 та имзо) Чилонзор тумани ҳокими ўринбосарининг хатти-ҳаракатларидан норози бўлиб шикоят йўллаганлар. Бундан шикоятлар, шунингдек қашқадарё, Сурхондарё, Навоий, Жиззах ва Фарғона вилоятларидан ҳам келган.

Сайлов кампанияси республика ва маҳаллий оммавий ахборот воситаларида кенг ёритилди. Ўзбекистон телевидениесининг «**Ахборот**» ва «**Давр**» дастурларида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига бўлаётган сайловга оид лавҳалар, махсус кўрсатувлар мунтазам равишда бериб борилди.

Юқоридаги фикр-мулоҳазалар ва сайловнинг якуний натижаларига асосланиб хулоса қилиш мумкинки, фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллар) ва уларнинг маслаҳатчилари сайлови аҳолининг кенг қатламлари учун чинакам демократия мактаби бўлди. Сайлов адолатли фуқаролик жамиятини шакллантиришда давлат ҳокимияти органлари вазифаларининг бир қисмини фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органларига босқичма-босқич ўтказиш борасидаги танланган йўл тўғри эканлигини яна бир бор яққол кўрсатди.

III-БОБ. ХОРИЖИЙ МАМЛАКАТЛАРДА МАҲАЛЛИЙ ВА ЎЗИНИ ЎЗИ БОШҚАРИШ ОРГАНЛАРИНИНГ ҲУҚУҚИЙ МАҚОМИ

Аксарият мамлакатларда маҳаллий бошқарув ҳақидаги қоидалар Конституцияларда бўлиб, Конституциявий ҳуқуқ фанида ўрганилади ва муниципал ҳуқуқ дейилади ва ўзини ўзи бошқариш масалалари маъмурий ҳуқуқ нормалари билан тартибга солинади.

III.1 ХОРИЖИЙ МАМЛАКАТЛАРДА МАҲАЛЛИЙ ВА ЎЗИНИ ЎЗИ БОШҚАРИШ ТУШУНЧАСИ

Жойларда бошқарувни амалга оширувчи органлар характери (табиати) икки омил билан белгиланади:

биринчидан, давлат ҳокимияти тушунчасига ва ҳудудий жамоа расмий ҳокимияти тушунчасига турлича ёндашув билан;

иккинчидан, маъмурий-ҳудудий бирликларни “табиий” ва “сунъий” бўлиниши назарияси билан.

Кўпгина давлатларда давлат ҳокимияти органлари сифатида фақат марказий органлар, яъни парламент, давлат бошлиғи, ҳукумат, уларнинг жойлардаги вакиллари (тайинланадиган комиссиялар, губернаторлар, префектлар) ва судлар тушунилади. Жойларда сайланадиган органлар ва улар ташкил этадиган маъмурият эса маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари сифатида қабул қилинади. Бу ҳам расмий бўлиб, давлат ҳокимияти эмас, балким маҳаллий маъмурий-ҳудудий бирликлар аҳолисининг ҳокимиятидир. Улар ҳудудий жамоалар ҳисобланади.

Шуни таъкидлаш жоизки, барча маъмурий-ҳудудий бирликлар ҳудудий жамоа ҳисобланмайди. Маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари ўз ваколатларига кирувчи масалалар бўйича мустақилдирлар. Шу масалалар бўйича уларга марказий органлар бирон-бир кўрсатма беришга ҳақи эмас. Масалан, маҳаллий бюджетнинг қанча қисмини таълимга ёки кўприк ёхуд қишлоқ кутубхонаси қуришга сарфланиши тўғрисида кўрсатма беролмайди. Маҳаллий органларнинг ҳар бир бўғини ўз ваколатларини мустақил амалга оширади ва ўзаро бир-бирига бўйсинмайди.

Марказий органларнинг кўрсатмаси билан маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари давлат ҳокимияти органларининг айрим функцияларини бажаришлари мумкин. Бу ҳолларда маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органларига зарур моддий ва молиявий маблағлар ажратилади ва марказий органлар уларга аниқ кўрсатмалар бериши мумкин.

Ўзини ўзи бошқариш органларининг ҳуқуқий мақоми улар қабул қиладиган ҳартиялар, низомлар (уставлар), ҳатто Бразилияда маҳаллий органик қонунлар билан тартибга солинади.

Аҳоли ҳудудий жамоаларининг ҳоқимияти ўзини ўзи бошқариш органларидан ташқари бевосита маҳаллий референдумлар, қишлоқ йиғинлари йўли билан ҳам амалга оширилади.

Маъмурий-ҳудудий бирликларнинг турлича табиати уларнинг тузилишига таъсир этади. Кўпгина мамлакатларда "табиий" ва "сунъий" маъмурий-ҳудудий бирликлар мавжуд.

“Табиий” маъмурий-ҳудудий бирликлар-бу турли хил посёлка, қишлоқ, шаҳар бўлиб, бу ерларда, одатда сув манбалари атрофида кишилар тарихан "табиий" равишда бирга яшаш учун бирлашганлар. Улар бошқариш учун маълум шахсларни, яъни оқсоқол, раисларни сайлаганлар, коллегиял бошқарув органларини тузганлар "йиғинлар кенгашлар". Бу жамоа (коммуна) тарзидаги ўзини ўзи бошқаришдир. Аммо уларнинг ваколатлари кенгрокдир.

Мамлакат ҳудудини давлат органлари ҳужжатлари билан районлаштириш "сунъий" маъмурий-ҳудудий бирликларни воеводалар, губерниялар, областлар, районларни пайдо бўлишига олиб келди. Агар улар ҳудудий жамоалар ҳисобланса, сайланадиган ўзини ўзи бошқарадиган органлари тузиш мумкин ҳамда юқоридан сайланадиган мансабдор шахслар – Таиландда - "губернаторлар, Болгарияда - вилоят бошлиқлари, Польшада воеводалар бўлиши мумкин. Бу, бир томондан, минтақавий ўзини ўзи бошқариш бўлса, яъни сайланадиган органлар, иккинчи томондан эса, минтақавий бошқарувдир. Яъни тайинланган мансабдор шахслар ва сайланадиган органлар томонидан тузиладиган маъмуриятлар бор. Шахс агломерациялари, жамоалар иттифоқи, мактаб округлари, экологик округлар алоҳида ҳудудий бирликлар ҳисоблансада. маъмурий-ҳудудий бирлик эмас. Уларда ўзини ўзи бошқариш органлари бўлмайди.

Турли мамлакатларда жойларда расмий ҳоқимиятни амалга оширишнинг тўрт моделини кўрсатиш мумкин:

1. Маҳаллий бошқарувни англосаксон модели;
2. Романгерман ёки континентал модели;
3. Иберитча модели;
4. Советлар модели.

Бу моделларни танлашга у ёки бу мамлакатларда маъмурий-ҳудудий бирликларни "табиий" ёки "сунъий" турини тайинлаганлиги ҳамда миллий хусусият ва анъаналар билан белгиланади.

III.2 МАҲАЛЛИЙ БОШҚАРУВНИНГ АНГЛОСАКСОН ВА РОМАН-ГЕРМАН (КОНТИНЕНТАЛ МОДЕЛЛАРИ.

Бу маҳаллий бошқарув модели Англия ва Уэлснинг графликларида, Шотландиянинг област ва округларида, Австралия, Канада ва АҚШнинг графликлари, округлари, тауншипларида қабул қилинган. Бу ерларда маъмурий-худудий бирликларда маҳаллий масалаларни ҳал этиш учун 2-4 йилга сайланадиган Кенгаш(бошқарув)лар тузилади. Кичик маъмурий-худудий бирликларда Кенгаш 3-5 кишидан иборат бўлса, йирик шаҳарларда эса 50 тача аъзодан иборат бўлади. Бундан ташқари аҳоли яна бир қатор мансабдор шахсларни сайлайди. Масалан, АҚШда полиция бошлиғи - шерифни ёки атторнейни сайлайди.

Атторней - бу йирик маъмурий-худудий бирликлар графликлар маъмуриятининг суддаги сайланадиган вакилдир.

АҚШда маҳаллий бошқарув фаолияти билан аҳоли томонидан сайланган мансабдор шахслар шуғулланади. Буюк Британияда эса Кенгаш аъзоларидан сайланадиган тармоқлар бўйича доимий комиссиялар (қўмиталар) шуғулланади. Масалан, турар-жой қурилиши, таълим масалалари, маҳаллий йўллар ва бошқалар бўйича қўмиталар. Ушбу қўмиталар хизматчиларни танлайди ва уларни Кенгаш тасдиқлайди. Хизматчилар Кенгаш раҳбарлигида партия фаолиятини амалга оширади.

Шаҳарларда ўзини ўзи бошқариш хартиялари бўлиб, улар асосида Кенгашлар ва мэрлар сайланади. Айрим ҳолларда мэр бевосита аҳоли томонидан сайланади. Агар мэр аҳоли томонидан бевосита сайланса, у кучли мэр бўлади ва у Кенгаш қарорларига нисбатан вето ҳуқуқига эга бўлади. Айрим шаҳарларда Кенгаш мутахассис-бошқарувчи-менеджерни ёллади (хатто 12 йилга қадар). У ҳам, мэр, бургомистр дейилади.

Маҳаллий бошқарувнинг моделида маҳаллий бошқарув учун мансабдор шахслар марказдан тайинланмайди ва сайланган Кенгашлар фаолияти устидан назорат амалга оширилмайди. Маҳаллий Кенгашлар марказий органлар ваколатга кирмаган масалаларни қонунлар, одат, амалиёт, суд прецедентлари асосида мустақил ҳал қиладилар. Марказий органлар маҳаллий бошқарув органлари фаолияти устидан фақат молиявий текширишлар ўтказиш йўли билан назоратни амалга оширади. Чунки маҳаллий ҳаражатларни асосий қисмини маҳаллий солиқ ва йиғимлар эмас, балки давлат бюджетидан ажратилган маблағлар (дотациялар) ташкил этади. Шунинг учун ушбу маблағларни сарфлаш юзасидан молиявий текширишлар (ревизиялар) ўтказилади. Маҳаллий бошқарув органларига нисбатан марказий органлар судга даъволар бериш йўли билан ҳам суд назоратини амалга оширади.

Маҳаллий бошқарувнинг англосаксон модели Ҳиндистон, Шри-Ланка, Кения ва

бошқа давлатларга таъсир кўрсатган. Аммо бу мамлакатларда маҳаллий ўзини ўзи бошқариш тизими унчалик кенг тарқалмаган ва анча марказлашган бошқарув тизими шаклланиган.

Маҳаллий бошқарувнинг роман-герман модели Франция, Италия, Польша, Болгарияда тарқалган. Бу модел Туркия Синегал ва айрим бошқа давлатларда қабул қилинган.

Бу моделда сайлаш ва тайинлаш принциплари асосида маҳаллий бошқарув амалга оширилади.

Жамоаларда - посёлка, шаҳар, коммуна (бир неча қишлоқлар бирлашмаси)-фақат сайланадиган ўзини ўзи бошқарув органлари бўлади. Юқорида тайинланган бошлиқлар (маъмурлар), Кенгаш ва мэр бўлмайди. Кенгаш ва мэрга, одатда, алоҳида-алоҳида овоз берилади. Францияда мэр ва унинг бир неча ўринбосари Кенгаш томонидан ўз ваколат муддатига сайланади. Польшада Кенгаш коллегиял органни сайлайди.

Сунъий маъмурий-ҳудудий бирликларда маҳаллий бошқарувни икки тури бор. **Биринчисида**, маъмурий-ҳудудий тузилишининг област ва район бўғинида марказдан тайинланган мансабдор шахслар бошқаради. Чунки област ва район ҳудудий жамоа ҳисобланмайди. Булар жумласига Финландия ва Туркияда губернаторлар, Болгарияда област бошқарувчиси, Польшада воеводствани воеводи, Францияда комиссарлар киради. **Иккинчисида**, маъмурий-ҳудудий бирликлар ҳудудий жамоа ҳисобланиб, уларда сайланадиган Кенгашлар ва юқоридан тайинланадиган мансабдор шахслар (Президент, ҳукумат, ИИВнинг вакиллари) маҳаллий бошқарувни амалга оширади. Бу тарзда Франциянинг департаментларида, Индонезияда бошқарилади.

Хулоса

Ўзбекистонда мустақиллик йилларида маҳаллалар, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари мавқеини оширишга, улар фаолиятини ривожлантиришга ҳар томонлама кўмаклашувчи омиллар тизими барпо этилди. Улар қуйидагиларда намоён бўлади:

биринчидан, маҳаллалар, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятининг мустаҳкам ҳуқуқий асоси яратилди. “Маҳалла” атамаси юрттимиз илк бор тарихида конституциявий мақомга эга бўлди. 1993 йилда “Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида”ги қонун илк бор қабул қилинди;

иккинчидан, маҳаллалар фаолиятини ривожлантиришга ҳар томонлама кўмаклашувчи давлат ва нодавлат тузилмалари шаклланди. Республика “Маҳалла” ҳайрия жамғармаси ташкил этилди;

учинчидан, маҳалладаги фуқаролар йиғинларининг жамоатчилик ўртасида

маърифий-мафкуравий ишларини самарали йўлга қўйишлари учун шарт –шароитлар яратилди.

Мамлакатни ривожлантиришнинг hozirги босқичида халқимизнинг маънавий-ахлоқий қадриятлари, кўп асрлик анъаналари, урф-одатлари, маданиятини қайта тиклаш, ўсиб келаётган авлодни ҳар томонлама баркамол қилиб тарбиялаш, ўсмирлар ва ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, маҳаллалардаги фуқаролар йиғини ва унинг органлари етарли тажриба, салоҳият ва тегишли имкониятларга эгадир;

Маҳалла, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ҳар бир шахсни жамият ва давлат билан боғлаб турадиган ўзига хос кўприқдир. Ҳар бир инсон маҳаллада вояга етади, камол топади. Оила шахснинг камол топиши учун жамиятнинг бошланғич бўғини бўлса, маҳалла шахсни жамият ишларида иштирок этиш ва уни бошқаришни таъминловчи бошланғич фуқаролик ҳудудий жамоасидир.

Маҳалла она-ватан бўлган меҳр-муҳаббатни қарор топтириш маконидир. Ҳар бир инсонда ўзи яшаб турган шахрига, маҳалласига, хонадонига бўлган меҳр-муҳаббат ва ватанпарварлик туйғусини шакллантириш манбаидир.

Юртимизнинг табаррук инсонлари-мўйсафид отахонларнинг узоқ умр кўриш сирлари, уларнинг ҳалол-пок яшаганлари, ҳаром-харишдан, ғараз ва ҳасаддан ўзларини асраганликлари, яхшилик ва эзгу ният билан умр кечирганлари кишларга ўрнак бўладиган фазилатлардир.

Соғлом турмуш тарзини халқимиз орасида кенг ёйиш жамоатчилик, маҳаллалар фаоллари учун ҳам фарз, ҳам қарзидир. Соғлом авлод тарбияси пойдеворини, миллий урф-одатларимиз, анъаналаримиз, ота-боболаримизнинг ҳаётий тажрибалари асосида қуриш лозим.

Аҳолининг ҳуқуқий маданиятини ошириш, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилиш, фуқароларнинг ариза ва мурожатларини ўз вақтида кўриб чиқиш масалалари доимо маҳаллалар диққат-эътиборида бўлмоғи даркор.

Маҳалла, ҳашар, тўйлар, маросимлар, маъракалар каби оилавий ва оммавий тадбирларни ўтказишнинг янги ва самарали шакллари тадбиқ этиш лозим. Бу борада айрим жойларда илдиз отган ва ҳақли равишда эътирозлар уйғатаётган, баъзан эса аҳоли ўртасида норозиликларга сабаб бўлаётган бемаъни кимўзарчилик, манманлик, ортиқча ҳашамаларга барҳам бериш маҳалланинг вазифасидир. Тўй ва бошқа маросимлар халқимиз анъаналари ва урф-одатларига мос келиши шахснинг маънавияти, ахлоқи ва маданиятидан дарак беришини маҳалла таъминлаш керак.

Оила ва шахс манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган дастурий тадбирларнинг бажарилишини таъминлаётган, оилаларни мустаҳкамлаш, уларнинг моддий фаровонлигини

оширишга ёрдам бераётган маҳаллалар давлат томонидан изчил қўллаб-қувватланиши зарур.

Маҳалла ва кучли давлатдан кучли жамиятга ўтишда давлатнинг ижтимоий ҳамкорлиги алоҳида аҳамият касб этади, давлатга нисбатан жамият аъзолари ишончини кучайтириш, уни аҳоли томонидан кенг ва фаол қўллаб-қувватлашда мустаҳкам замин бўлиб юзага чиқади.

Давлат томонидан аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш, ёрдамга мухтож бўлган оилаларга ёрдам кўрсатишни таъминлашда маҳалла тегишли ваколатга ва маъсулиятга эга бўлади. Давлат маблағларини аниқ ва манзилли сарфланишида жамоатчилик контролини кучайтириб боради.

Ушбу тадқиқот натижасида қуйидаги уч йўналишда назарий ва илмий таклифларни киритишни лозим топдик.

***Биринчи йўналиш.* Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятининг ҳуқуқий асосларини такомиллаштиришга қаратилган таклифлар:**

1. “Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятининг кафолатлари тўғрисида”ги қонунни ишлаб чиқиш, муҳокама ва қабул қилиш;

2. “Маҳалла тўғрисида”ги қонунни қабул қилиш;

3. “Давлат органларининг айрим ваколатларини маҳаллалар, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига ўтказиш тўғрисида”ги қонунни қабул қилиш;

4. “Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида”ги қонунда кўзда тутилган “Фуқаролар йиғини тўғрисида”ги, “Фуқаролар йиғинининг тафтиш комиссияси тўғрисида”ги, “Фуқаролар йиғинининг маъмурий комиссияси тўғрисида”ги Намунавий низомларини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан қабул қилиш.

***Иккинчи йўналиш.* Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини ва нуфузини кўтаришга қаратилган таклифлар:**

1. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ходимлари меҳнатига ҳақ тўлашнинг намунавий таркибини ва шартларини ишлаб чиқиш; маблағ билан таъминлаш манбаларини белгилаш, ходимлар сонини хонадонлар сонига, шунингдек, бюджетдан ташқари олинадиган даромадларга мувофиқлаштириш;

2. Маҳаллалар ҳудудида хусусий тадбиркорлик ва оилавий бизнесни микромолиялаштириш учун ижтимоий инвестициялар жамғармасини ташкил этиш;

3. Маҳалла аҳолисининг тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш учун туман ва шаҳарларда кредит уюшмалари тармоқларини ташкил этиш;

4. Маҳалланинг сиёсий негизини мустаҳкамлашга қаратилган “**Маҳалла халқ ҳаракатини**” ташкил қилиш.

Учинчи йўналиш. Маҳалла ва Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисидаги қонунчилик ва маълумотларни кенг халқ оммаси ўртасида тарқатиш бўйича таклифлар:

1. Маҳалла оқсоқоллари (раислари) ва уларнинг маслахатчиларининг ҳуқуқий билимларини ошириш бўйича “Маҳалла” фаолларини малакасини ошириш Институтини ташкил этиш;

2. “Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш ҳуқуқи” ўқув фан бўйича дастур, ўқув-методик қўлланмалари ва дарслик тайёрлаш ва ушбу ўқув курсини юридик ва педагогик олий ўқув юртлари ўқув режасига киритиш;

3. Маҳаллалар ва фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларига оид бўлган норматив ҳуқуқий ҳужжатларни янги тўпламини чоп этиш.

4. Миллий демократик институт бўлиши ўзбек маҳалласи тарихи, ҳозирги куни ва истиқболлари тўғрисидаги объектив маълумотларни хорижий мамлакатларда кенг тарғиб қилиш.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:
Ўзбекистон Республикаси президенти И.А.Каримов асарлари

1. Каримов И.А. Ўзбекистон миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат ва мафжура. Т. 1. -Т.: Ўзбекистон, 1996. -364 б.
2. Каримов И.А. Биздан озод ва обод Ватан қолсин. Т. 2. -Т.: Ўзбекистон, 1996. -380 б.
3. Каримов И.А. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. Т. 3. -Т.: Ўзбекистон, 1996. -366 б.
4. Каримов И.А. Бунёдкорлик йўлидан. Т. 4. -Т.: Ўзбекистон. 1996. -349 б.
5. Каримов И.А. Янгича фикрлаш ва ишлаш давр талаби. Т. 5. -Т.: Ўзбекистон, 1997. -384 б.
6. Каримов И.А. Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида. Т. 6. -Т.: Ўзбекистон, 1998. -429 б.
7. Каримов И.А. Биз келажакимизни ўз қўлимиз билан қурамыз. Т. 7. -Т.: Ўзбекистон, 1999. -410 б.
8. Каримов И.А. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаравон ҳаёт -пировард мақсадимиз. Т. 8. -Т.: Ўзбекистон, 2000. -512 б.
9. Каримов И.А. Ватан равнақи учун ҳар биримиз масъулмиз. Т. 9. –Т.: 2001. -340 б.
10. Каримов И.А. Хавфсизлик ва тинчлик учун курашмоқ керак. Т. 10. –Т.: 2002. –432 б.
11. Каримов И.А. Биз танлаган йўл –демократик тараққиёт ва марифий дунё, ҳамкорлик йўли. Т. 11. –Т.: 2003. –320 б.
12. Каримов И.А. Тинчлик ва хавфсизлигимиз ўз куч – қудратимизга, ҳамжихатлигимиз ва қатъий иродамызга боғлиқ. Т. 12 –Т.: Ўзбекистон, 2004. –400 б.
13. Каримов И.А. Бизнинг бош мақсадимиз – жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир. Т.: Ўзбекистон, 2005. –96 б.
14. Каримов И.А. Миллий давлатчилик, истиқлол мафжураси ва ҳуқуқий маданият тўғрисида. / "Тузувчилар: У.Таджиханов, А.Саидов, -Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 1999.-573 б.

Норматив ҳуқуқий ҳужжатлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. -Т.: Ўзбекистон, 2003. -48 б.
2. Ўзбекистон Республикаси: қонунлари ва фармонлари.-Т.:Ўзбекистон,1992.-382 б.
3. Ўзбекистон Республикасининг қонуни. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш

органлари тўғрисида (Ўзбекистон Республикасининг 2003 йил 30 августдаги қонунига мувофиқ киритилган ўзгартиришлар ва қўшимчалар билан). Т.: 2003.-196.

4. Ўзбекистон Оқсоқоллар Кенгаши ва “Маҳалла” жамғармаси томонидан 2004 йил давомида амалга оширилган ишлар тўғрисида. Маълумот. Т.: 2005.-526.

5. Республика “Маҳалла” хайрия жамғармасига маблағ ажратиш тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1992 йил 12 сентябр Фармони.” Халқ сўзи.-1992.-12 сентябр.

6. Республика “Маҳалла” хайрия жамғармасини фаолиятини ташкил этиш масалалари тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар маҳкамасининг 1992 йил 17 октябр, №480-сонли қарори.// Халқ сўзи.-1992.-17 октябр.

7. Республика “Маҳалла” хайрия жамғармасини фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлар тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1993 йил 1 декабр, №583-сонли қарори//.” Халқ сўзи.-1993.-4 декабр.

8. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Обод маҳалла йили» дастури тўғрисидаги 2003 йил 7 февралдаги №70 қарори.Т.: 2003 й

9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1948 йил 28 октябрдаги Фармони. Маҳалла: ўзини ўзи бошқариш ҳуқуқий фаолияти (қонунчилик ва меъёрий ҳужжатлар тўплами). // Халқ сўзи. - Т.: 1948. 28-октябр.

10. Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги қонун // Халқ сўзи. 2003. 31-октябр.

11. Ўзбекистон Оқсоқоллари Кенгаши ва «Маҳалла» жамғармаси томонидан 2004 йил давомида амалга оширилган ишлар тўғрисида Маълумот. –Т.: 2005.-11 б.

Китоблар ва монографиялар

1. Халилов Э.Х. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларини шакллантириш ва мамлакат тараққиётининг ҳозирги босқичида уларнинг ролини ошириш. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига сайловга тайёргарлик кўриш ва сайлов ўтказишга доир республика семинар-кенгашининг материалларидан. –Т.: 2003.-91 б.

2. Жалилов Ш.И. Кучли давлатдан – кучли жамият сари. Тажриба, Таҳлил, амалиёт. -Т.: 2001.-160 б.

3. Маҳалла: ўзини ўзи бошқариш ҳуқуқий кафолати (қонунчилик ва меъёрий ҳужжатлар тўплами) Тузувчи ва нашр учун маъсул: Ш.Жалилов. Тошкент, 1999 й.-319 б.

4. Жалилов Ш.И. Давлат ҳокимияти маҳаллий органлар ислоҳати: тажриба ва муаммолар.-Т.: Ўзбекистон, 1994. –192 б.

5. Жалилов Ш.И. Маҳалла янгиланиш даврида.-Т.: Мехнат, 1995.-72 б.

6. Жалилов Ш.И. Маҳалла: ўзини ўзи бошқаришнинг ҳуқуқий кафолати.-Т.:1999.-320 б.

7. Маҳалла: ўзини ўзи бошқариш ҳуқуқий асослари (маҳаллалар фаолиятини тартибга соловчи қонун ҳужжатлар тўплами) нашр учун маъсул: А.Гадайбоев, Н.Абдуллаев. Т.: 2003.-350 б.

8. Ғуломова Д. Фуқароларни ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш ва уларнинг ваколатларини кенгайтириш тўғрисида. Фуқароларни ўзини ўзи бошқариш органларига сайловга тайёргарлик кўриш ва сайловни ўтказишга доир республика семинар кенгашининг материаллари.-Т.: 2003.-91 б.

9. Тўлаганов А.А. Давлат ҳокимиятининг вакиллик ва ўзини ўзи бошқариш органлар фаолиятини ташкил этиш.-Т.:ТДЮИ,2002.

-194 б.

10. Европейская хартия о местном самоуправлении «Реформы местного самоуправления в странах Западной Европы. М., 1993.С- 42-45.

11. Хусанов.О.Т.Мустақиллик ва маҳаллий ҳокимият –Т.:1996.-160 б.

12. Хусанов.О.Т. Ўзбекистон Республикаси давлат органлари.-Т.1996.-80 б.

13. З.Х.Арифханова, Современная жизнь традиционной махаллы Ташкента. 2000. С- 28.

14. Ҳожиаҳмедов А. Маҳалла одоби.-Т.: Шарқ, 2001.-48б.

Мақолалар

1. Халилов.Э.Х. Деятельность Олий Мажлиса по повъшению роли органов самоуправления граждан в строительстве правового гражданского общества // Общественные науки в Узбекистане.-1999.№1-2.-С.3-9.

2. Маҳмудбеков Ш. Маҳалла ёки ўзини ўзи бошқариш органларини бугунги кундаги асосий фаолиятининг асосий тамойиллари ва йўналишлари // Демократлаштириш ва инсон ҳуқуқлари,-2001. №1. 17-22 б.

3. Маҳмудбеков Ш. «Обод маҳалла йили» –фуқаролик жамияти сари муҳим босқич. // Демократлаштириш ва инсон ҳуқуқлари,-2003. №3. 45-49 б

4. қурбонов.О. XXI аср маҳалласи: Муаммо ва ечимлар // Демократлаштириш ва инсон ҳуқуқлари.-2001. №1. 24-28 б. 5.қодиров.қ. Маҳалла оқсоқоли // Ҳаёт ва қонун.-2000.№2-57 б.

6. қодиров.қ. Маҳалла тарбия маскани // Ҳаёт ва қонун.-1999.№8. 19-21 б.

7. Файзиев Т. Маҳалла-ҳамжихатлик маскани // Ҳаёт ва қонун.-2000.-№3 30-31 б.

8. Раҳманов Р. Истиқлол ва маҳалла // Демократлаштириш ва инсон ҳуқуқлари.-2001. №1. 4-11 б.

9. қирғизбоев М.Ўзини ўзи бошқариш: асосий тушунчалар, хоражий тажрибалар ва амалиёт// Демократлаштириш ва инсон ҳуқуқлари.-2001. №1. 30-37 б.

Авторефератлар

1. Жалилов Ш.И. Давлат ҳокимияти маҳаллий орган ислоҳати: тажриба ва муаммолар: Автореф.дис...д-ра. юридик.наук.-Т., 1994.-51 б.

2. Овчинников И.И. Теоретико-правовўх основў местного самоуправления в Российской федерации: Автореф. дис...д-ра. юрид.наук.-М.,2000. С-48.

3. Таболин В.В. Организационного-правовўе основў деятельности органов самоуправления в крупнўх горадах: Автореф. дис...д-ра. юрид.наук.-М.,1999. С-48.

4. Сувонкулов М.И. Ўзбекистон Республикасида фукароларни ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятининг назарий-ҳуқуқий масалалари: Автореф. дис...канд.юридик.-Т.,2002.- 32 б.